

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси
(География) йўналиши**

**“ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ГЕОГРАФИЯ
ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент - 2017

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августидаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: Низомий номли ТДПУ, г.ф.н., доц. И.Абдуллаев,
катта ўқитувчи А.Тўраев

Тақризчи: Гейделберг педагогика университети (Германия),
профессор. Hans-Werner Huneke.

*Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2017 йил 29 августдаги
1/3.8-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	14
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	26
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	86
V. КЕЙСЛАР ТЎПЛАМИ	117
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	128
VII. ГЛОССАРИЙ.....	130
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	133

І. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар, хорижий тажрибалар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий ва педагогик компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

География фанлари бўйича замон талабларига жавоб берадиган назарий машғулотлар асосида профессор-ўқитувчиларнинг билимлар доирасини кенгайтириб, уларда билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талабларни такомиллаштирилиш дастурнинг асосий мақсади килиб белгиланди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Олий таълимда география фанларини ўқитиш методикаси” модулининг мақсади: педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув

режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

“Олий таълимда география фанларини ўқитиш методикаси” модулининг вазифалари:

- педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Олий таълимда география фанларини ўқитиш методикаси” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

Тингловчи:

- замонавий география фанларини ўқитишда анъанавий, картографик, географик-тарихий, геоэкологик, географик информацион тизимлар ва замонавий педагогик технологияларида амалий фаолиятда қўллаш; география ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари ҳамда келгусида ривожлантириш истиқболларидан педагогик фаолиятда қўллаш; география фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли, дидактик ўйин методлар, Кейс-стади топшириқларидан самарали фойдаланиш каби масалаларни **билиши** керак;

Тингловчи:

- география фанларини ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнида қўллаш; география фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш; география фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш; география фанларини ўқитишда ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибаларни таҳлил қилиш; география

фанларини ўқитишда анъанавий, картографик, географик-тарихий, геоэкологик, географик информацион тизимлар ва замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш; география фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш **кўникма ва малакаларига эга бўлиши** зарур;

Тингловчи:

- география фанларини ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнида қўллаш; география фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли, дидактик ўйин методлар, Кейс-стади топшириқларни ишлаб чиқиш; география фанларидан курс иши (лойиҳаси)ни тайёрлаш; битирув малакавий ишлари бажарилишининг ташкилий ва илмий-методик таъминотини такомиллаштириш; талабалар билимини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш ҳамда амалга ошириш каби **компетенцияларни эгаллаши** лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим сифати менежменти”, “Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг соҳага оид компетентлик даражасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим сифатини ошириш, географиянинг назарий масалалари ва муаммолари, мутахассислик фанларини ўқитишда инновацияларнинг ўрни ва уларни мақсадли йўналтиришга оид зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар ҳамда олий таълим муассасаси амалиётига кенг татбиқ этадилар

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
			жами	жумладан		
				Назай	Амалий машғулот	
1.	Дидактикада замонавий география дарсига бўлган талаблар. Дидактик ўйинли технологияларнинг география фанларини ўқитишдаги ўрни.	2	2	2		
2.	География фанларини ўқитишда педагогик, инновацион ва ахборот технологиялари ҳамда хусусий методикалар.	4	4	2	2	
3.	География фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.	6	4	2	2	2
4.	География таълимида табиий ва иқтисодий-ижтимоий йўналишлар. География фанларини ўқитишда анъанавий, картографик, географик-тарихий, геоэкологик ва замонавий	4	4	2	2	

	педагогик технологиялардан фойдаланиш.					
5	География фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш (конструкциялаш), муаммоли савол, Кейс-стади топшириқлари. Ўқитиш жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, талабаларда ижтимоий фаоллик, онглиликни таркиб топтириш.	2	2		2	
6	География фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш. Курс иши, битирув-малака иши, магистрлик диссертациясининг узвийлигини таъминлаш.	2	2		2	
7	География фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш. География фанларидан дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфелио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш.	4	4	2	2	
8	География фанларини ўқитишда талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмларини, рейтинг тизимида қўллашга қаратилган дидактик воситалар:	6	4		4	2

стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш.					
Жами	30	26	10	16	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Дидактикада замонавий география дарсига бўлган талаблар. Дидактик ўйинли технологияларнинг география фанларини ўқитишдаги ўрни.

Дидактикада замонавий география дарсига бўлган талаблар. Таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Унда ўқитувчи ва ўқувчи вазифалари. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари. Дидактик ўйинли технологияларнинг география фанларини ўқитишдаги ўрни. География таълими муаммолари. Замонавий география дарсига бўлган талаблар.

2-мавзу: География фанларини ўқитишда педагогик, инновацион ва ахборот технологиялари ҳамда хусусий методикалар.

География фанларини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари. Унда замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш масалалари. География таълимида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларни тўлиқ ўзлаштирилиши бўйича амалга оширилаётган тадбирлар.

3-мавзу: География фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.

География фанлари бўйича маъруза, семинар, амалий ва лаборатория дарсларини ташкил этиш. Уларда ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методлардан фойдаланиш методикалари ишлаб чиқиш масалалари. Ўқитиш жараёнида илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

4-мавзу: География таълимида табиий ва иқтисодий-ижтимоий йўналишлар. География фанларини ўқитишда анъанавий, картографик,

**географик-тарихий, геоэкологик ва замонавий педагогик
технологиялардан фойдаланиш.**

География таълими ривожланиш тарихини талқин қилиниши. Географик фанларнинг табиий ва иқтисодий-ижтимоий йўналишларга ажратилиши. Анъанавий ва замонавий педагогик технологияларнинг география таълимидаги ўрни. География фанларини ўқитишда анъанавий, картографик, географик-тарихий, геоэкологик ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш масалаларининг ёритилиши.

**5-мавзу. География фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини
яратиш. География фанларидан дарсликлар ва ўқув-методик
қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфелио, ўқув курсининг электрон-
таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш.**

География таълимида ўқув фанларини интеграциялаш муаммоларининг талқин этилиши. География таълимида “Кейс-стади”дан фойдаланиш масалалари. Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфелио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини ўқитиш жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, талабаларда ижтимоий фаоллик, онглиликни таркиб топтириш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

**География фанларини ўқитишда педагогик, инновацион ва ахборот
технологиялари ҳамда хусусий методикаларни ишлаб чиқиш.**

География фанларидан самарали билим беришда педагогик ва ахборот технологияларни ишлаб чиқишнинг аҳамияти. География таълимида талабаларга билим, кўникма ва малакалар бўйича қўйилаётган талаблар. Инновацион ва ахборот технологиялари ҳамда хусусий методикаларни ишлаб чиқиш йўллари.

2 -амалий машғулот:

География фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.

География фанлари бўйича ташкил қилинган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория дарсларига қўйиладиган талаблар. Уларда ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларнинг қўллаш методикаси. Ривожланган давлатлар тажрибаларидан география дарсларида самарали фойдаланиш методикаси.

3-Амалий машғулот:

География таълимида табиий ва иқтисодий-ижтимоий йўналишлар. География фанларини ўқитишда анъанавий, картографик, географик-тарихий, геоэкологик ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.

География таълими ривожланишининг асосий босқичларини ажратиш. Географияда табиий ва иқтисодий-ижтимоий йўналишларнинг ажратилиши. География дарсларида анъанавий, картографик, географик-тарихий, геоэкологик ва замонавий педагогик технологияларни қўллаш методикаси.

4-амалий машғулот:

География фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш (конструкциялаш), муаммоли савол, Кейс-стади топшириқлари. Ўқитиш жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, талабаларда ижтимоий фаоллик, онглиликни таркиб топтириш. Географиядан ташкил қилинаётган ўқув машғулотларда инновацион технологиялардан фойдаланиш маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги масалалари. Ўқитиш жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлигини таъминлаш ва уларнинг таъсирида талабаларда ижтимоий фаоллик, онглиликни таркиб топтириш. География фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш (конструкциялаш), муаммоли савол, Кейс-стади топшириқларини тайёрлаш масалалари.

5-Амалий машғулот:

География фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимни ташкил этиш. Курс иши, битирув-малака иши, магистрлик диссертациясининг узвийлигини таъминлаш.

Курс иши, битирув-малака иши, магистрлик диссертациясининг узвийлигини таъминлаш. битирув-малака иши, магистрлик диссертацияларига қўйиладиган талаблар. Битирув-малака иши, магистрлик диссертацияларини тайёрлаш методикаси. География фанларида мустақил таълимни ташкил қилишнинг ўзига хос жиҳатлари. Уларда кўриб чиқиладиган топшириқларни шакллантириш.

6-Амалий машғулот:

География фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш. География фанларидан дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш.

География фанларини ўқитишда дидактик таъминотни яратиш масалалари. Фан бўйича мавжуд дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар таҳлили. Электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш бўйича амалга ошириладиган ишлар тартиби. Электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусларига қўйиладиган талаблар. Уларни ишлаб чиқиш методикаси.

7-Амалий машғулот:

География фанларини ўқитишда талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмларини, рейтинг тизимида қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт тест топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш.

География фанларида талабаларнинг билимларини объектив баҳолашда фойдаланиладиган асосий топшириқлар мажмуасини тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш методикаси.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).


БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.


“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.



Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган



“Давра суҳбати” методининг тузилмаси

“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади.

Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.

4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“Давра суҳбати” методининг афзалликлари:

- ўтилган материалнинг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

“Давра суҳбати” методининг камчиликлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;

- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

“Ролли ўйин” методи - таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим олувчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характери, хулқ-атвори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида “Ролли ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ролли ўйин” методининг тузилмаси

“Ролли ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

Ушбу методни қўллаш учун сценарий таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда таълим олувчиларни ҳам сценарий ишлаб чиқишга жалб этиш мумкин. Бу таълим олувчиларнинг мотивациясини ва ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради. Сценарий махсус фан бўйича ўтилатган мавзуга мос равишда, ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Таълим олувчилар ушбу ролли ўйин кўринишидан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, керакли хулоса чиқаришлари лозим.

“Ролли ўйин” методининг афзаллик томонлари:

- ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивация (қизиқиш)ни шакллантиришга ёрдам беради;
- таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олишни ўргатади;
- таълим олувчиларда берилган вазиятни таҳлил қилиш малакаси шаклланади.

“Ролли ўйин” методининг камчилик томонлари:

- кўп вақт талаб этилади;

- таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- таълим олувчиларнинг ўйинга тайёргарлиги турлича бўлиши мумкин;

- барча таълим олувчиларга роллар тақсимланмай қолиши мумкин.

“Баҳс-мунозара” методи - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.

3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи

таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс-мунозара” методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ундайди;
- таълим олувчилар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилишига имконият яратилади;
- таълим олувчиларда тинглаш ва таҳлил қилиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.

“Баҳс-мунозара” методининг камчиликлари:

- таълим берувчидан юксак бошқариш маҳоратини талаб этади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммоли вазият” методининг босқичлари куйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

“Муаммоли вазият” методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;

- таълим олувчилар муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларни топишни ўрганадилар;

- таълим олувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;

- таълим олувчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.

“Муаммоли вазият” методининг камчиликлари:

- таълим олувчиларда юқори мотивация талаб этилади;
- қўйилган муаммо таълим олувчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;
- кўп вақт талаб этилади.

“Лойиха” методи - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиха ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиха ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиха ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак.

Қуйидаги чизмада “Лойиха” методининг босқичлари келтирилган.



“Лойиха” методининг босқичлари

“Лойиха” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Муҳандис-педагог лойиха иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади.

Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, таркатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғадилар.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик гуруҳлар иш режаларини тақдимот қиладилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиладилар. Таълим олувчилар муҳандис-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Муҳандис-педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадидлар. Улар индивидуал ёки кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадидлар. Бундан ташқари кичик гуруҳлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладидлар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси” да қайд этилади. Таълим олувчи ёки кичик гуруҳлар ҳисобот берадидлар. Иш якуни қуйидаги шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки ҳисобот; материалларни намойиш қилиш орқали ҳисобот; лойиҳа кўринишидаги ёзма ҳисобот.

6. Муҳандис-педагог ва таълим олувчилар иш жараёнини ва натижаларни биргаликда якуний суҳбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув амалиёти машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослайди. Агарда меъёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

Муҳандис-педагог “Лойиҳа” методини қўллаши учун топшириқларни ишлаб чиқиши, лойиҳа ишини дарс режасига киритиши, топшириқни таълим олувчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиҳа иши билан таништириши, лойиҳалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминланиши лозим.

“Лойиҳа” методини амалга оширишнинг уч хил шакли мавжуд:

- якка тартибдаги иш;
- кичик гуруҳий иш;
- жамоа иши.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1- мавзу: Дидактикада замонавий география дарсига бўлган талаблар. Дидактик ўйинли технологияларнинг география фанларини ўқитишдаги ўрни.

Режа:

1. Замонавий география дарсига бўлган талаблар.
2. Таълим жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни.
3. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва муаммолари.

Таянч иборалар: Таълим, тарбия, муаммо, фаолия, шакл, метод, восита, жараён.

1.1. Замонавий география дарсига бўлган талаблар.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш ҳар бир таълим муассасасининг шу жумладан, педагогика олий ўқув юртларининг бевосита вазифаси саналади.

Таълим-тарбия жараёнида педагогик технологияларни муваффақиятли қўллаш учун География ўқитувчилари махсус методик билим ва кўникмаларни эгаллашлари, педагогик амалиётда зарур бўладиган методик тайёргарликка эга бўлишлари лозим.

Педагогик технология атамасига шу муаммо бўйича изланган ҳар бир олим ўз нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таъриф берган. Ҳали бу тушунчага тўлиқ ва ягона таъриф қабул қилинмаган. Ушбу таърифларнинг ичида энг мақсадга мувофиқи ЮНЕСКО томонидан берилган таъриф саналади.

Педагогик технология – ўқитиш шакллари оптималлаштириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида инсон салоҳияти ва техник ресурсларни қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Бу ерда инсон салоҳияти дейилганда ўқитувчининг педагогик ва ўқувчиларнинг билиш фаолияти, техник ресурслар деганда ўқитиш методлари ва воситалари назарда тутилмоқда.

Географияни ўқитишда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларни

гурухлаштиришда дастлаб қуйидагиларга асосий эътиборимизни қаратишимиз лозим:

1. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари.

2. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг турлари.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва ўқитиш самарадорлигини ошириш масаласи Географияни ўқитиш методикаси фанининг асосий муаммоларидан бири саналади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш деганда, ўқувчиларда юқори даражадаги мотив, билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга бўлган онгли эҳтиёж, натижанинг юқорилиги ва ижтимоий нормаларга мос хулқнинг пайдо бўлиши тушунилади.

Мазкур типдаги фаоллик ҳар доим ҳам вужудга келавермайди, фақат ўқитувчининг мақсадга мувофиқ педагогик таъсир кўрсатиши ва қулай педагогик-психологик муҳитни ташкил этиш маҳорати туфайлигина вужудга келади.

Географияни ўқитишда мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш ва қулай ижтимоий-психологик муҳитни вужудга келтириши ўқитувчи томонидан қўлланилган педагогик технологияларга боғлиқ бўлади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши билан биргаликда, таълим жараёнида таълим берувчи, ривожлантирувчи, тарбияловчи, ижодий фаолиятга йўлловчи, коммуникатив, мантиқий фикрлаш, ақлий фаолият усулларини шакллантириш, ўз фаолиятини таҳлил қилиш, касбга йўллаш, мўлжални тўғри олишга ўргатиш, ҳамкорликни вужудга келтириш каби функцияларни бажаради.

Бирок, педагогик технологияларнинг функцияларини таққослаганда бу функциялар бир хил даражада ўрин эгалламаслиги маълум бўлди.

География ўқитувчиси дарсда ўрганиладиган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари ва педагогик технологияларнинг дидактик функцияларини ҳисобга олган ҳолда қайси технологиядан фойдаланишини илмий-методик асосда танлагандагина кўзланган мақсадга ва самарадорликка эришади.

География – объекти жуда ҳам турли маслаларга қаратилган фан, унда табиий муҳит ва инсониятнинг турли ҳолатларини ўрганади. Бундан ташқари ушбу фан кенг миқёсда фалсафий масалаларга ҳам қаратилган (позитивликдан постпозитивликка). Географлар миқдорий (статистика и математик моделлаштириш) и *сифат методларидан* (субъектив, маданий, сўровлар, кузатув ва бошқа визуальные маълумотлар) ёки уларнинг комбинациясидан фойдаланади. Бу методлар турли лойихаларда, тадқиқотларда (маълумотларга бой ва натижалари аниқ бўлган) ва *интенсив лойихаларда* (бунда аниқ бир еки бир нечта географик объект) қўлланилади. Бунда географлар қўлланиладиган методологик еки фалсафий ёндошувга қарамасдан умумий хулосаларни беришлари керак. Географлар ўрганиладиган объект ўзининг диапазонининг катталиги билан фарқланади. Табиатнинг кўп аспекти, табиий, экологик, иқтисодий, сиёсий, маданий жihatлари билан географиянинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Бундан ташқари ушбу диапазон кўлами кенгайиб бормоқда. Аънанавий, географлар дунёни ўтмишда бугунги кунга қараб ривожланиб келатган тизим деб ҳисоблайдилар. Ҳозирда эса бу кўлам янада кенгайиб бормоқда (Уолфорд ва Хэггетта, 1995; Грегори, 2000; Грегори 2009). Масалан, табиий ва иқтисодий географиядаги экологик қарашлар, катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлаш, янги методларни қўллаш каби. Бугунги кунда қадимги дунени моделлаштириш, келажакни башоратлаш механизмлари мавжуд. Табиий география тобора экологиялашиб, “Ер тизимлари фанлари” билан боғланиб, атмосфера, биосфера ва табиатни муҳофазаси деб юритилмоқда

(Шахтер, 2005). Бугунги кунда янги техника ютуқлари, масалан ГИС, тадқиқот ва уларнинг натижаларини олиш имкониятларини кенгайтиради, ва

гиперкосмосдан фойдаланишда ёрдам бермоқда. Шу билан бирга маданий антропология, аҳолишунослик ва тиббий географияда амалий масалалар деярли эмперик ҳолатда ўрганилади. Географиядаги янги йўналишлар ва улар билан боғлиқ тўқоқлар методлари бирбиридан фарқ қилиши ёки тубдан янги бўлиши ҳам мумкин.



1980 йилларгача география асосан табиатни ўрганувчи (ресурслар ёки геологик) фан сифатида жамиятда қаралар эди. Бу эса табиат ва жамият бирлигини кўрсатар эди. Айримлар эса уни табиатни муҳофаза қилиш ва ресурслар географияси сифатида қабул қилар (Chalmers, 1990). Шу билан бирга маданий қарашлар иқтисодий географияда турли йўналишлар пайдо бўлишига сабаб бўлди. Ушбу масалалар Барнсом (2001) ва Клиффорд (2009) томонидан атрофлича ўрганилган. Шунга қараб бугунги географиянинг кўлами канчалик кенглиги яққол намоён бўлади. Китобда замовий географиянинг диапазони, ундаги методлар ва кўرғазмалар кенг ва атрофлича таҳлил қилинади ҳамда тадқиқотлар ўтказишда катта ёрдам беради.¹

Таълим-тарбия жараёнига қўйилган буюртмаларни бажариш учун аввало таълим жараёнини дифференциаллаштириш ва индивидуаллашти-риш, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлашти-риш, таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув-ни талаб этади.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш технологияси ўзида фалсафа, психология ва педагогиканинг инсон-парварлик ғояларини мужассамлаштиради. Ушбу технология диққат мар-казида ўз имкониятларини максимал даражада амалиётга қўллайдиган, ижодий ва

¹ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 26 p

ижтимоий фаол, турли ҳаётӣ вазиятларни англаб таҳлил қила-диган, мўлжални онгли равишда мустақил, тўғри оладиган шахсни шакллантириш ғояси туради.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш технологияси орқали педагогик жараёнда ҳамкорлик, ғамхўрликнинг вужудга келиши, ўқувчилар шахсини ҳурмат қилиш ва эъзозлаш орқали шахснинг таҳсил олиши, ижод қилиш ва ўз - ўзини ривожлантиришига қулай ижтимоий ва психологик муҳит яратилади. Мазкур жараёнда ўқувчи ўз ўқув фаолиятининг субъекти саналади ва ўқитувчи билан ягона таълим жараёнининг иккита субъекти ҳамкорликда ўқув-тарбиявий вазифаларни ҳал этади.

Педагогнинг ўқувчи шахсига бўлган инсонпарварлаштирилган муносабати болаларни севиш, уларнинг тақдири учун қайғуриши, болаларга бўлган ишончнинг юқорилиги, ўзаро ҳамкорликнинг вужудга келиши, мулоқот маданиятининг юқори даражада бўлиши, ўқувчиларни тўғридан-тўғри мажбурлашдан воз кечиш ва аксинча ижобий рағбатлантиришнинг устунлиги туфайли таълим жараёнидан кўзланган мақсадга эришиш, болалар фаолиятида учрайдиган камчиликларга чидамли бўлиш, уларни бартараф этишнинг энг самарали йўллари қўллашда намоён бўлади.

1.2. Таълим жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни.

Таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Унда ўқитувчи ва ўқувчи вазифалари. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари. География таълими муаммолари.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши муносабати билан география таълимида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Мактаб географиясининг мазмуни ва тузилишида таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Айрим ўқув фанлари ўқув фанлари мактаб дастуридан олиб ташланди, айримларининг

мазмунни ўзгартирилди, айрим фанлар янгидан яратилиб, ўқув тизимига жорий қилинди.

Ўзбекистонда «Кадрлар тайёрлашни миллий дастур»и, ва «Таълим тўғрисидаги қонун»и қабул қилиниши муносабати билан ўқув қўлланмалари ва дарсликларга бўлган талаблар кескин ўзгарди. Барча фанларга бўлганидик мактаб географияси фанида ҳам тубдан ўзгаришлар содир бўлди. География предметларининг дастури ва тузилиши Ўзбекистон мактаб таълими тизимида содир бўлган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайтадан кўриб чиқилди.

Шу муносабат билан география ўқитиш методикасида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. География ўқитиш методикасида янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш муносабати билан ўқитиш методикасида ҳам қатор ўзгаришлар содир бўлди.

География таълими ҳам бошқа фанлардаги сингари педагогика ва дидактика билан чамбарчас боғлиқ бўлиб замонавий ўзгаришлар ва талаблар натижасида такомиллашиб ўзгариб бормоқда. Профессор Х.Вахобов ўзининг “География ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмасида шундай фиклар билдиради: “География таълими деганда ўқувчиларга табиий ва иқтисодий-ижтимоий комплексларнинг тузилиши ва асосий қонуниятлари ҳақида билимлар берадиган география фанлари тизимига айтилади. География таълими методикаси эса мактабларда ва касб-хунар коллежларида ҳамда олий таълим муассасаларида, табиий ва иқтисодий география ҳамда бошқа махсус география фанларини ўқитиш жараёнини ўрганадиган ва педагогика фанлари тизимига кирадиган фандир”. Демак, география бугунги кунда нафақат географик билимлар мажмуаси балки уни кенг оммага етказувчи география таълимидан иборатдир.

1.3. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва муаммолари.

География таълими методикаси умумий дидактика ва тарбия назарияси билан чамбарчас боғланган. Дидактика фани таълим бериш ва тарбия жараёнини умумий қонуниятларини, таълим мазмунини татқиқ қиладиган назарий фандир. Дидактика фани таълим бериш ва тарбия жараёнини умумий

қонуниятларини, таълим мазмунини татқиқ қиладиган назарий фандир. Дидактика фани аниқ ўқув фанларини ўқитиш методикаси билан шуғулланади. Аини вақтда ҳар бир ўқув фани каби ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг айримларини мақсади назарий билим ва кўникмаларни шакиллантириш (география, биология, химия), айримлари фақат, кўникмаларни (чет тиллар), бошқалари эса борлиққа эстетик муносабатда бўлишини шакиллантиради (тасвирий санъат). Шунинг учун алоҳида фанларни ўқитиш методикаси билан хусусий дидактика фанлари шуғулланади. Мазкур фанлар қаторига «География ўқитиш методикаси» фани ҳам киради.

География ўқитиш методикасини назарий ва амалий жихатлари мавжуд. География ўқитиш методикаси фани қуйидаги назарий ва амалий методологик муаммоларни татқиқ қилади:

- а) география ўқитиш методикасининг предмети, тадқиқот усуллари, ривожланиш тарихи;
- б) география ўқитиш методикасининг мақсад ва вазифаларини умуман ва алоҳида предметлар бўйича аниқлаш;
- в) таълим ва тарбиянинг бирлиги;
- г) географик маданиятни шакллантириш.



География ўқитиш методикаси иккита қатга қисмдан иборат. Умумий ва хусусий география ўқитиш методикаси. География ўқитишнинг умумий методикаси назарий ва методик масалаларни ишлаб чиқади, яъни предметни ўзини татқиқот усуллари ўрганади, бунда асосий эътиборни ўқув-тарбиявий мақсадларни ишлаб чиқишга қаратилади.

Географияни ўқитишда қандай саволларга эътибор қаратилиши ва қандай маълумотлар берилиши кераклиги таҳлил қилиниши зарурати бор. Бошқача

қилиб айтганда, География ўзига хос ўрганиш фалсафасига, унинг ўрганиш методлари ҳам ўзига хос, методлар, усуллар ва таҳлиллар орасида турлича мулоҳазалар ва таклифлар бўлиши керак. Бу эса ўқитиш дизайнига, яъни кўргазмалилик даражасини холатига боғлиқдир.²

География фанларининг ўқитилишида турли усуллар, воситалар қўлланилади ва уларнинг замонавий имкониятлари янади ортиб бормоқда. Тадқиқотлар визуал маълумотларга, фильмлар, телевизион дастурларга, иккламчи манбаларга ва архив ва фонд материалларига асосланиши мумкин. Шу билан бирга улар ГИС ва дистанцион зондлаш , эксперимент ва электрон почтадан олинган маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.).

Тадқиқотларнинг дизайн жараёнида ҳар бир методни алоҳида кўриб чивш муҳим эмас. Уларни аралаш ҳолда қўллаш мақсага мувофиқдир. Ушбу метод *triangulation* деб танилган. Тушунча турли жараён ва муноабатларни кўриб чиқишда ва уларга тўғри жой танлаш билан боғлиқ. Шундай қилиб тадқиқотчилар турли методлардан фойдаланиши ва турли информацияларни қўллаб пайдо бўладиган *question* саволларни минимал даражага олиб келиши мумкин. Улармикдорий ва сифатий булиши мумкин. (Sporton, 1999). Турли методлар лойихага уникал натижалар олиб келиши еки уларнинг қайтарилмаслигига кафотлатдир.

Аниқланган ўқув-тарбиявий мақсадлар асосида география таълимини мазмуни ишлаб чиқилади. Умумий методика икки қисмга бўлинади:

- табиий географияни ўқитиш методикаси;
- иқтисодий ва ижтимоий географияни ўқитиш методикаси,
- махсус географик фанларни ўқитиш методикаси.

Замонавий география дарсларига қуйидаги вазифалар қўйилади:

² Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 30 p.

³ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 32 p.

-география фанининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантириш имкониятларини очиб бериш;

-географик фанларнинг мазмунини замон талабларига мос равишда янада такомиллаштириш;

-ГИТ (географик информацион тизимлар) дарс жараёнида қўллаш;

-ўқитиш материалларини қўллашни ўтчимал шароитларини асослаш;

-ўқитиш воситаларидан унумли фойдаланиш;

-география дарсларини тузилиши, ўлчамлари ва турларини янада такомиллаштириш;

-география ўқитишни янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш;

-географик экскурсиялар, татқиқотлар ўтказиш технологиясини янада такомиллаштириш;

-ўқувчиларда амалий географик кўникмаларни шакллантириш технологиясини такомиллаштириш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалдаги босқичи таълим муассасаларини махсус тайёрланган педагогик кадрлар билан таъминлаш, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш, ўқув тарбия жараёнини сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш каби қатор вазифаларни амалга оширишни кўзда тутди.

Назорат саволлари:

1. Таълим жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини таҳлил қилинг.
2. Таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва муаммоларини айтиб беринг.
3. Замонавий дарсга қўйиладиган талабларни айтиб беринг.
4. География дарсларини замонавий талабларга мослаштиринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 1.Nicholas Clifford,Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography. SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd,33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010.
2. Алимқўлов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Ҳолмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.
3. Абдуллаев И.Х. ва бошқ. Маъмурий география. – Т.: 2014.
4. Абдуллаев И.Х. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. ЎУМ, ТДПУ, 2014

2-мавзу: География фанларини ўқитишда педагогик, инновацион ва ахборот технологиялари ҳамда хусусий методикалар.

Режа:

1. География фанларини ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларининг аҳамияти.
2. География таълимида билим, кўникма ва малакаларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш масалалари.
3. География фанларини ўқитишда дидактик ўйинли технологияларнинг самарадорлиги.

Таянч иборалар: Картография, статистика, экскурсия, график органайзер, сенквейн.

2.1. География фанларини ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларининг аҳамияти

География фанларини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, унда замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш масалалари алоҳида аҳамиятга эга. Чунки география таълимида жуда яхши ишлаб чиқилган картографик, статистик, қиёсий географик, экскурсия а бошқа қатор анъанавий методлар ишлаб чиқилган ва улар таълим жараёнида кенг қўллаб келинмоқда. Бугунги кунда қабул қилинаётган қонунлар, чегараланишлар, ишдаги муносабатлар ва ҳафвсизлик масалалари, охир оқибат бажариладиган ишларнинг кўламини белгилайди. Академиклар томонидан бажарилаётган ишларнинг кўлами ва журнал ва нашрларда берилаётган маълумотлар кўп ҳолларда йирик грантлар томонидан иқтисодий таъминланган. Ушбу ишларнинг кўлами албатта талабалар томонидан бажариладиган илмий ишлардан катта фарқ қилади.. 3 ойлик stu – диссертациясини ичида икки йиллик гранлардаги илмий кўламини кутиш мумкин эмас. Ўзингизнинг илмий res-ognizing ишингизни бошлаётганингизда бу нарсаларни ҳисобга олишингиз мақсадга мувофиқдир. Билинки, иқтисодий географиядаги микдорий еки сифат методлари, табиий географиядаги дала тадқиқотлари катт ақлий ва манавий меҳнат талаб қилади. Шунинг учун

ишнинг кўлами шунга қараб ҳам белгиланади. Бундан ташқари сизнинг иқтисодий имкониятларингиз, жихозлар, техника билан таъминланганлик ҳам лойиҳангизнинг параметрларини белгилаши лозим.

Тайм-менеджмент диаграммасин тузиш ёки тадқиқот бошланишидан аввал тузиб чиқилган ишлар графиги сизнинг тадқиқотларингизни бажарилишида муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Шу билан бирга олдиндан режалаштирилган (устоз ва бошқа мутахассислар билан ҳамкорликда) иўлар тадқиқотлар дизайниди муҳим омил ҳисобланади ва сизга кенг имкониятлар яратади.³

Бу ўринда ТДПУ “География ўқитиш методикаси” кафедраси олимлари



томонидан академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун касбга йўналтириш учун “Амалий география” фанидан ишлаб чиқилган ўқув услубий қўлланмада тавсия этилган замонавий педагогик технологиялар ва улардан дарс жараёнида фойланиш имкониятлари кенг қўламда баён этилган ва керакли тавсиялар берилган.

География таълимида дидактик ўйинлар мустақиллик йилларида кенг қўлланилиб келинмоқда ва бунга етарлича асос бор. Чунки, бу ўринда Р.Қурбониёзовнинг “Географик ўйинлар”, Х.Вахобовнинг “География ўқитиш методикаси” каби адабиётларда таълимда дидактик ўйинлар ўрни ва моҳияти кенг очиб берилган. Жумладан, Х.Вахобовнинг “География ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмасида қуйидаги фикрлар келтирилади: “Ўқувчиларга географик ўйинлар орқали билим бериш дидактик ўйинди дарслар деб аталади. Географик ўйинлар билан дарс ўтилганда ўқувчиларда ривожлантирувчи фаолият вужудга келади. Бунда ўйинда иштирок этаётган ўқувчилар ролларини, вазифаларини эркин танлашади. Географик ўйинлар билан шуғулланиш жараёнида ижодий муҳитни

³ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 32 p

ва мунозарали вазифаларни вужудга келиши, ўқувчилар географик ўйин давомида аниқ бир роллар ва вазифаларни бажариш жараёнида ижодий ишлар билан машғул бўлади, маълум бир муаммоли вазият вужудга келса уларни ҳамкорликда ечишади”. Географик ўйинлар индивидуал гуруҳли ва оммавий турларга бўлинади. Уларнинг барчаси маълум бир ўқув шароитларида қўлланилади. Географик ўйинлар сужетли-ролли, ижодий, ишбилармонлик, конференция ва бошқа турларга бўлинади.

География таълимида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларни тўлиқ ўзлаштирилиши бўйича амалга ошириш ишлари бир неча қисмдан иборат. Биринчи даражада албатта географик билим бериш ва унда турли ахборот воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда жуда кўплаб информация олиш имкониятлари мавжуд бўлсада, уларни саралаш, мақсадга мувоқлаштириш, таълимда қўллаш педагогдан катта билим ва маҳорат талаб қилади.

Табиий фанларда ушбу мавзуга катта эътибор қаратилган бўлиб, ундан лойиха катта бир изланишнинг бир қисми деб ҳисобланади. Лекин, яқинда табиий географияда экстенсив ва интенсив методлар ва уларнинг қўлаш фалсафаси ни ўрганиш мақсадга мувофиқ деб олинди (Ричард, 1996). Экстенсив ва интенсив методлар лойихаларда узвий боғланиб, тадқиқотлар асосини ва натижаларини белгиламоқда. Бу эса аниқ равишдв 1.1 жадвалида берилган.

Жадвал 1.1. Экстенсив ва интенсив илмий лойихалар орасидаги фарқлар

	экстенсив	интенсив
Изланишлар ҳақидаги савол	Вакил - хусусият, намуна, еки аҳоли белгиси	Қандай? Нима? Нимага? Амалдаги ҳолат
Тушунтириш тип	Қайта олиб борилган тадқиқотлар хулосалари ёки катта масштабдаги сўров-анкеталар танловлари	Сабаб ва оқибатлар бўйича экспертиза хулосалари

Типик методлар	Статистик, аналитик тахлиллар	Масалан : Этнографияда - аниқланган сифат даражалари
Тадқиқотлар чегараси	Тушунтириш - умумлаштириш - алоҳида олиб борилган кузатув . Умулаштириш алоҳида аҳоли гуруҳлари учун	Умумлаштириш. Уртача маълумотлар
Фалсафа	Таксономик гуруҳлардаги формал муносабатларга асосланган хулосалар	Сабаб ва оқибатларга узвий боғланган ходисаларга асосланган методик хулосалар

Манба: Sayer (1992, расм 13, 243 б)

Асосий фарқлар қуйида берилади:

Экстенсив илмий-тадқиқот лойихаларда натижалар аниқ белгиланган сабаб ва оқибатларга боғдиқ қонуниятлардан келиб чиқади. Тахлиллар асосан катта миқдордаги кузатувлар ва изланишлар билан кафолатланади.

Интенсив илмий-тадқиқот лойихаларда натижалар бир еки бир нечта белгиланган ҳолатга таянади ва буни кичик тахлил деб юритилади. Антропологияда бу кенг қўлланилади чунки уларда бир ҳолат ҳам катта изланишларга сабаб бўлади. Интенсив лойихаларда маълумотларни қадри жуда юқори бўлиб, биргина тизим еки ижтимоий гуруҳ ўрганилиши сабаб ва оқибатларнинг қонуниятлари ишлаб чиқилишига саба бўла олади.

Умуман олганда икки метод ҳам ўзига хос тарафлари бўлиб изланилишларда қўлланилади. Аммо уларнинг қўлланилишида фалсафий қарашлар турлича бўлади. Экстенсив қарашларда намуна албатта асосий сабабни аниқлаш учун келтирилади, жараён эса умумий тарзда кўрилади.

Аммо, реал дунёда, бир аба аниқ оқибатга олиб келиши кам кузатилади ва катта имкониятларга олиб келмайди. Бу ерда individual лик муаммоси келиб

чиқади, у эса барча гурухлар учун, масалан экологияда, хато бўлиб қолиши мумкин.

Интенсив илмий-тадқиқот лойихаларда чуқур баҳолаш бўлиб, унда кузатувлар асосий сабалардан алоҳида кўриб чиқилади. Кенг тадқиқотлар позитив метод ҳисобланиб, интенсив методларлардаги реал ҳолатлардан йироқ деб ҳисобланган.

Амалда қўлланиладиган икки метод ҳам аниқ бир биридан фарқ қилувчи омилларга эга, яъни вақт, имкониятлар, маълумотлар типи ва миқдори билан боғлиқ.

Экстенсив илмий-тадқиқот лойихалар катта маълумотлар ҳажмига эга бўлган ходиса ва жараёнларга қаратилган бўлиб, кўп ҳолларда тадқиқотлар бўйича айрим хулоса ва тақдимотлар нашр қилинган бўлади. Бундан ташқари маълумотлар архив ва эълон этилган адабиётларга таяниши мумкин. Кўплаб талабаларнинг лойихаларда маълумотларга бўлган талабларнинг кўплиги, дала маълумотларига қўйилган мақсадлар уларни кўрқитади еки жихозлар ва техник имкониятлар имкониятларидан юқори бўлиши кенг қўламдаги изланишлар олиб боришига имкон бермайди. Агарда бундан экстенсив метод танланса унда илмий изланишлар асосан иккиламчи маълумотларга таянади, еки лабораторияларда бажарилади, ёки экспериментлар ехсер-tion маълум бир танланган ҳолатда ўтказилади. Шунинг учун бунда асосан интенсив йўл танланади ва унда сабаб ва оқибатлардан келиб чиқилади.⁴

Шунинг учун география фанларидан дарслик, қўлланмалар, амалий ва лаборатория ишланмаларининг ўрни катта. Билим олишнинг дарс жараёнидаги асосий манбайи албатта шулар ҳисобланади. Амалий ишларни бажариш давомида ўқувчиларда географик кўникмалар шаклланади.

⁴ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 35p

2.2. География таълимида билим, кўникма ва малакаларнинг тўлиқ

ўзлаштирилишини таъминлаш масалалари.

Ушбу дарсларда ўқувчиларни назарий ва амалий фаолияти бир-бири билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун географик кўникмаларнинг катта қисми янги билимларни олиш жараёнида шакллантирилади. Айрим амалий ишлар мазкур дарсларда бажарилади, масалан, географик координаталарни аниқлаш, масштаб турларни билан ишлаш, Турон текислиги бўйлаб ўтказилган табиий географик кесмани таҳлил қилиш ва бошқалар. Иқтисодий географиядан ўқувчиларни иқтисодий диаграммалар билан ишлаш кўникмаларини дарсни мустахкамлаш босқичида олиб бориш мумкин.

Географик кўникма ва малакаларни шакллантириш дарси куйидаги қисмларга бўлинади: таълимий ва тарбиявий вазифаларни қўйиш; ўқувчиларни ўқув воситалари билан таништириш (дарслик, харита, жадваллар, диаграммалар). Улар амалий машғулотларни юзжаришда зарур бўлади; ўқув ишлари усулларини ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар бериш; амалий ишларни бажариш бўйича кўрсатмалар бериш; бажарилган амалий ишлар натижаларини расмийлаштириш; қилинган ишларни яқунлаш; уйга вазифа беиш ва уни бажариш бўйича кўрсатмалар бериш.

Билим. Билим-ташқи дунёни, объектив борлиқни онгимизда акс этишини ёзма ва оғзаки шакли. Билимлар назарий ва эмперик билимларга бўлинади. Назарий билимлар нарса ва ходисаларни моҳиятини, улар орасидаги боғлиқлик ва алоқаларни акс эттиради. Назарий билимлар бу умумлашган билимлардир, уларга назариялар, қонунлар, қонуниятлар, сабаб ва оқибатлар, тушунчалар киради.

* Эмпирик билимлар - географик борлиқ ва ходисаларни ташқи хусусиятларини акс этдиради. Унга тасаввур ва далиллар (факт) киради. Ҳозирги пайтда географияда назарий билимларнинг салмоғи ошиб бормоқда. География курсларининг ҳаммасида умумий тушунчалар (рельеф шакллари, иқлим турлари, иқтисодий жарайонлар, меҳнатни географик тақсимланиши, сабаб ва оқибатлар муҳим ўрин тутди.

*Назарий билимлар. Тушунча – борликнинг киши тафаккурида акс этишини бир шакли. Тушунчалар абстракт тафаккур натижасида хосил бўлади. Тушунча билимнинг асосий бирлиги ҳисобланиб умумий ва аниқ тушунчаларга бўлинади.

*Умумий тушунчалар деганда алоҳида воқеа ва ходисалар ҳақида эмас, балки умумий бир хил номга эга бўлган воқеа ва ходисалар тушунилади. Масалан, дарёлар, тоғлар, халқ хўжалиги тармоғи, иқтисодий район. Умумий тушунчаларнинг моҳиятини аниқлаганда, ҳамма воқеа ва ходисалар учун умумий бўлган хусусиятлар (белгилар, сифатлар) очиб берилади

Аниқ тушунчалар-ўзининг номига эга бўлган аниқ географик борлик, худуд: Волга дарёси, Қора дэнгиз ва ҳ.к..Аниқ тушунчаларнинг моҳияти, географик баёнларда очиб берилади. Аниқ тушунчалар: Африка, Франция, помир.

Тушунчалар асосий ва бўйсунган тушунчаларга бўлинади. Масалан: «тоғ жинслари» асосий тушунча «магматик тоғ жинси» бўйсунган тушунча.

- Сабаб ва оқибатлар-географик воқеа ва ходисалар орасидаги сабаб ва оқибатларни акс эттиради.

- Табиий география курсларида қуйидаги сабаб ва оқибатлар очиб берилади: рельеф, иқлим, қуруқлик сувлари, Дунё окэани, тупроқлар. Рельеф Ернинг ички ва ташқи кучларини оқибати деб қаралади. Табиий-географик комплекслар ҳам сабаб ва оқибатларни очиб бериш туфайли ажратилади.

- Иқтисодий география курсларида сабаб ва оқибатларни қуйидаги турлари очиб берилади: Ижтимоий-иқтисодий тизим ва хўжалик ўртасидаги; давлатнинг тарихий ривожланиши ва хўжалигининг ҳозирги хусусиятлари ўртасидаги; давлатни ривожланиши билан унинг иқтисодий географик жойланиши ўртасидаги; табиий шароит ва хўжаликнинг тузилиши ўртасидаги.

- Аҳоли географиясини ўрганишда кўплаб муамолар вужудга

келиши ва бундай этик нормаларга эътибор катта эканлигини биз четэлдаги тадқиқотлардан олибнамуна сифатида фойдаланишимиз мумкин. Масалан, чет эл адабиётидан олинган қуйидаги қисмга эътиборингизни қаратамиз:

Аҳоли билан ишлаётган географлар этик нормаларга катта эътибор қаратиши, изланишларда мухлатни ўрни ва иқтисодий муамоларга, табиий географ эса табиий мухитдаги ўзгаришларга, табиат унсурларига камроқ зарар етишига қаратиши керак.

Кейс стади 3.2. *Масалан, университет студенти Али бин Ахмед бин Салех Аль-Фулани икки гурх ўрта мактаб ўқувчилари учун анкета сўровномасини тайёрлайди. Қўнунга мувифиқ Али ота – оналардан ушбу сўров ўтказиў учун рухсат сўрайди. Бу эса университетнинг этика бўйича комитетдан ҳам рухсат талаб қилади. Бундан ташқари хар бир ўқувчи ўз хоши билан саволарга жавоб бериши еки бермаслигини гам ихтиерига қаратилади. Сўров ўтказишдан бир неча хафта аввал анкетага фикр билдириш учун ҳам жой қолдиришини мухокамадан ўтказади. Бу эса ўқувчилвар ва уларнинг ўқитувчиларини хоши бўйича ўтказилади. Сўров ўтказилагндан кейин Али хеч нарсани ўзгартира олмаслиги ва уни яна ўтказиш имконияти йўқлигини билади ва олиган натижалар билан университетга қайтади . Олинган маълумотлар ва уларнинг тезлиги 97 % ташкил этади Бу жуда катта кўрсаткич. Лекин уни қайтаришда Алида бошқа имконият йўқ.*

Мухокама учун. *Бу холат фақат ўқувчиларда эркинлик бўлмаганлигидан далолатдир. Али томонидан хеч қандай таъзиқ ўтказилмаганми? Эркинлик тўлиқ таъминланганми? Балки Али томонидан қандайдир куч еки бошқа усуллар қўлланилмаганми?*

3.2. Бажариш ва кўриб чиқишига чақирилади

Изланишлар боши ва уларнинг давомида қийдагиларни кўриб чиқдингизми?

Хамкорликни кўрдингизми

- *Маълумотлар хажми, мақсади, вазифалари, тадқиқот усуллари, спонсорлар, талаблар, тахтидлар, вақт, камчиликлар ва бошқа холатлар, қутилмаган натижалар*

- Қилинган хулосаларнинг барчага тушунарлилиги ва ҳамкорликда қилинганлиги
- Излангишлар учун берилган вақт
- Мумкин бўлган ноаниқликлар
- Кишилар билан олинадиган маълумотлардаги эҳтиёткорлик
- Кафд этишидаги розилик
- Лойиха ҳақидаги маълумотларнинг очиқлилик даражаси
- Лойиха иштирокчиларининг номларини ошкор қилиниши ва натижалар наири
- Хусусий маълумотларни олиш ва улардан фойдаланиши
- Хуқуқий нормативлар билан ишлаш ва ошкорлик масалалари
- Маълумотларни сақлаш (дала материаллари, сўровномалар ва х.к.)

Зарар

- Моддий, маънавий, психологик, маданий, ижтимоий, табиатга зарар етказиши
- Олдиндан ўрганилган ва белгиланган зарарлар
- Аҳолига зарар етказиши
- Таҳдидлар ва ишдаги имкониятлар
- Тадқиқотлардан чиқиб кетиши
- Тадқиқотчилар даражаслари ва объектлар
- Натижалар тақдимоти

Маданий бохабарлик

- шахс, унинг хуқуқлари, хошива ситаклари, эътиқоди, жамиятнинг қараишлари

Натижаларнинг тарқатилиши ва изланувчилар ҳамкорлиги

- Натижаларнинг барчага тушунарлилиги ва мавжудлиги
- Натижалар (изланишлар)таҳлили
- Натижалар(изланишлар)қўлланилиши
- Натижалар дахлсизлиги
- Спонсорлик
- Муаллифлик

Хақиқат ёки оқибатлар? Изланишлардаги этик дилеммаларни ечимдаги теологик ва деонтологик ёндошувлар

Сиз қанчалик изланишларга таёйгарлик кўришингиздан қатъий назар этик дилеммалар ўз аксини топади.

Кейс стади 3.3. Жуда юқори оперативлик

Катриона Макдональд яқинда талабалар илмий лойихасини тугатган. Ушбу лойиха епиқ сўровномалар орқали нодавлат ANZAC ташкилотининг фаровонлигини аниқлашга қаратилган эди. Ушбу корхонанинг аъзолари еши 70 дан ўтган ва улар иккинчи жахон урушида қатнашувчилар эди. Уларни топиш учун катта вақт талаб қилинган эди. Катриона ишларни бажаришда тўлиқсиз иш кунидан фойдаланди. Илмий изланишлар яқунланиб профессор Макдональдс томонидан бахоланди ва Катриона ҳисоботни Ветеранларга тақдим қилмоқчи бўлди. Кунларнинг бирида Катриона вереарнларнинг бири жаноб Монтгом билан учрашди ва унинг тинчлиги бузилди.. Смайт тадқиқотлар натижасини сўради ва Катриона жамият аъзолари ва уларнинг соғлиғи ёмонлиги бу эса уларнинг жамият ишларидаги камчиликлари ҳақида гапирди. Шунда Смайт жамиятнинг ушбу аъзоларининг исмиларини сўради. Бу ўринда у ўз ёрдамини таклиф қилмоқчи бўлган бўлиши еки уларнинг ўрнига бошқа аъзоларни таклиф қилмоқчи бўлган бўлиши мумкин.

Муҳокама учун.

- 1 Макдональд хоним ушбу маълумотларни жаноб Смайтга берган бўлармиди?
 - 2 Катриона маълумотларига кўра айрим ANZAC жамият аъзолари шаҳар бўйича ўз хаётларини хавфга қўйиб юришини, уларнинг эшитиш ва кўриш қобилияти ёмонлиги ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиши мумкинми?,
- испытывает зрение и слух проблемы, например, к организация?

Кейс стади 3.4. Карталар кучи

Д-р Тина Kong ўзининг докторлик диссертациясини ГИС билан ишлайдиган муассаса маълумотларидан фойдаланиб ижтимоий муаммолар хал этиш учун карталар ишлаб чиқишни мақсад қилди..Бу ўринда у тўлиқ иш кунидан

фойдаланиши мумкин. Бу борада ишлар унга янги имкониятлар ва агарда юқори натижаларга эриши олганда нуфузли журналларда натижаларни эълон қилиш имкони туғилиши мумкин эди. Тина илмий ишини атроф мухитга канцероген моддаларни чиқишини (ракка олиб келувчи моддалар) вилоятнинг катта шаҳарларида ўрганишни режа қилди. У икки ой давомида ишнинг дастлабки тайёргарлик қисмини ишлаб чиқди ва ишнинг заруратини белгилади. Шундан сўнг Тина канцерогенлар юқори даражада бўлган шаҳарлар картасини тузиш учун ГИС маълумотларидан фойдаланишни мақсад қилди. Ушбу маълумотлар топилиши ва уларни кенг оммага ошкор бўлиши жамиятда хавотирларга сабаб бўлишини тадқиқотчилардан бири айтиб ўтади. Ушбу ишлар аҳоли саломатлиги билан боғлиқ бўлиши, жойлардаги иқтисодий муаммоларни келтириши ва маҳаллий органларга бунинг ёқмаслиги ҳақида Тинага огохлантириш берилади.

Мухокама учун

Тина тадқиқотларни давом эттириши керакми? Жавобни асосланг.

Тина илмий изланишларини хавотирсиз мавзуга бўриши ва ҳамкорлар таклифига кўниши керакми?

Сиз шундай ҳолатда нима қилган бўлар эдингиз?

Бу саволга тўлиқ жавоб бериш учун файласуфлар ишларига мурожаат қилсак. Лекин, биринчидан сиз қандай дилеммага дуч келишингизни тасаввур қилишингиз керак. Этик нормаларнинг биринчи қойидасини – адолат бузилиши, эзгулик ва бошқаларга хурмат муаммоси пайдо бўлади. Шунда сизнинг олдингизда оғир дилемма пайдо бўлади ва уни ечиш керак. .

Қўшимча 3.3. Этик дилеммани ечиш йўллари

Этик дилеммани ечиш учун нима қилсиз? Буни икки йўли бор. Бири сиз бажараетган ишлар ҳеч қандай зиен келирмайди деган ҳолат (телеологик еки консеквенциал ёндошув). Бунга қарама – қарши деонтологик (Квинтон, 1988) ёндошув бўлиб, унда адолат барибир қарор топиши керак йўналишида иш олиб бориш. Этик дилеммани ечишда шу икки йўл мавжуд.

1 Қандай вариантлар бор?

Ўзингиз учун ишлар руйхатини тузинг .

2 Оқибатларни кўриб чиқамиз

Ижобий ва салбий оқибатларни ва улардан чиқиш йўлларини яхшилаб ўйланг:

- Ким ва нима сизга ёрдам беради?
- Ким ва нима сизга зарар келтиради?
- Нима сизнинг ютуғингиз ва нима камчиликларга киради? Уларнинг даражаси қандай? Айрим нарсалар (соғлиқ, табиат) кадри бошқалардан (автомобил) юқорироқ. Баъзи нарсаларни (ишонч) йўқотиш бошқалардан (нашр еки умимий мажлис қарори) емонроқдир.
- Қисқа ва узок муддатли оқибатлар қандай?

Юқорида саволларга қараб энди энг яхши вариантни нималардан иборат ва энг кам зарар келтиради?

3 Варианларингизни одоб-аҳдов қоидалари билан кўриб чиқинг.

Энди хар бир вариантни алохида кўриб чиқинг. Оқибатларга эътибор берманг, энг муаммоли ҳолатни аниқланг. Варианларингиз жамиятдаги нормаларга (ҳаққонийлик, тенглик, экологик нозиклик, одоб) мос келадими? Бирор бир принцип қолганлаидан устунми?

4 Узингиз ечимни топинг ва шароитга қараб иш кўринг.

Энди хар бир тахлилингизни ечим билан боғланг. Қонун сизнинг хулосангиз ва асосингиз тарафидадир. Уз хулосаларингизни химояланг, ва улар учун сиздан ташқари ҳеч ким жавобгар эмас.

5 Тизимни баҳоланг ва ўз ишларингизни белгиланг.

Дилеммани келтириб чиқарган ҳолатларни ва сабабларини ўйлаб чиқинг. Ўз ишларингизни аниқ белгиланг.

Манба: Старк-ADAMEC и Петтифор (1995); Бизнес ва этика масалалари маркази(2008).

Кўплаб олимлар икки ёндашув телеологик ва деонтологик тўғри йўлги белгилаш омили деб ҳисоблайдилар (Davis, 1993). Натижада этик актлар шу кўринишда бўлади. Айримлар эса тўғри хулосалар ҳар доим ҳам яхши бўлавермайди деб ҳисоблайдилар. Телеология тушунчаларида одоб—ахлоқ

билан иш юритиш тўғри агарда у яхшилиқни емонликка қараганда кўпроқ берса (Израиль и Хей, 2006). Бу ҳолатни бузиш ва сирлани ошқор қилиш, кўприқларни барпо қилиш, катта фойда беради дейдилар.

Деонтологик ёндошув эса буни инкор қилади. Яхшилиқ ва емонлик орасидаги ҳолат этик нормаларни белгилаш учун етарли эмас. Олиб борилаётган ишлар даражалари одоб-ахлоқ эмас бурч, ишга бўлган муносабат, ҳамкорларга садоқат билан бажарилиши керак. (Kimmel, 1988). Шунинг учун, емонлик ва яхшилиқ эмас, тўғри иш юритилиши лозим. Буни кўриш учун, масалан миллий гуруҳларнинг илохий жойларини аниқлаш ва сирларини ошқор этиш учун тадқиқотчи ишончга кириши ва кўприқларни кўришда эътиборли бўлиши керак.

Шундай қилиб бизда икки йўл мавжуд, улар бир бирига зид бўлсада этик нормаларни кўрсатишлари мумкин. Бу жудаям қийин эмас ва сиз улардан дилемангизни ечимини топишингиз мумкин. Бу борада сизга Laud Хамфрисни мисоли ёрдам беради (3.5.) Бунда жамиятдаги айрим хунук ходисалар , ахлоқсизли ва бунинг натижалари , этик нормалар бузилиши кўриб чиқилади (масалан, гомосексуаллар).

Муҳокама учун.

Этик нормаларда бу ишларни ўрганиш мумкинми?

Бу аҳоли гуруҳларини кузатиш. Ўрганиш кеаркми?

Бу қонунчиликка тўғри келадими?

Этик нормаларни бузилишига олиб келмайдими?⁵

- Қонуниятлар-географик борлиқ (объект), ходиса ва жараёнлар орасидаги энг муҳим ва нисбатан мустаҳкам алоқа ва боғлиқликларни акс эттиради.

- Табиий географияда қуйидаги қонуниятлар очиб берилади: бир бутунлик, моддаларнинг айланма ҳаракати, даврийлик, зоналлик, ҳамда

⁵ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 66 p.

айрим табиат таркибларини вужудга келиш қонуниятлари (иқлим, рельефи).

* Назария-бу кишилар илмий фаолиятини умумлашмасидир. Назария табиат ёки жамиятнинг айрим қисмларини ривожланиш қонуниятларини акс этдиради. Масалан. Табиий географик районлаштириш назарияси, иқтисодий географик ривожлантириш назарияси. ТТК назарияси ва ҳ.к.

- Эмперик билимлар-тасаввур-географик борлиқнинг (объектнинг) ҳаёлий (хиссий) тасвирий шакли, тасаввури, образи (тасвири). Аниқ тасаввур воқеа ва ходисаларни бевосита кўриш орқали пайдо бўлади. Ҳаёлий тасаввур эса маълум бир ходисаларни ва шароитларни баёнини ёки тарифини ўқиш орқали пайдо бўлади.

- Далиллар-мактаб географияси мазмунида кўпроқ объектнинг ўлчамлари, ёғинлар, ҳаво, сув сарфи, иқтисодий далиллар учрайди.

Кўникмалар – бу фаолият усуллари, бу усуллар орқали ўқувчилар олган билимларини амалда қўллашади. Кўникмаларни қўллаш ҳар сафар ўйлашни талаб қилади, шунинг учун кўникмага автоматизм хос эмас.

- Малака-автоматик равишда тез бажариладиган фаолият. Кўникмалар ўқув вазифасига ва мақсадларига қараб турли гуруҳларга бўлинишни мумкин. Бу эса қуйидаги кўникмаларни бир-биридан ажратишга имкон беради: объектлар баёни; ТТК ва ТИЧК ва ҳ.к. Кўникмалар ёрдамида ўқитувчи турли хил тафаккур усулларини қўллаши мумкин: анализ, синтез, умумлаштириш, абстракт қиёслаш.

Мазкур дарснинг асосий вазифаси география предметлари учун хос бўлган кўникмаларни шакллантиришдир. Мазкур кўникмалар назарий билимларни ўзлаштиришга, мустаҳкамлашга ва амалда қўллашга имкон беради. Кўп ҳолларда мазкур дарсларни билимларни мустаҳкамлаш ва географик кўникмаларни шакллантириш дарси ҳам деб аталади. Ўқитиш сифатини оширишдаги вазифаларни қўйишлиши ва ечилиши муносабати билан ҳамда ўқувчиларни амалий фаолиятга бўлган этиборни ортиши билан мазкур дарслар турини аҳамити янада ортади. Бундай дарсларда ўқувчилар фаолиятини асосий

шакли бўлиб амалий ишларни бажариш ҳисобланади. Мазкур амалий ишларни бажариш давомида ўқувчиларда географик кўникмалар шаклланади.

2.3. География фанларини ўқитишда дидактик ўйинли технологияларнинг самарадорлиги

Ушбу дарсларда ўқувчиларни назарий ва амалий фаолияти бир-бири билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун географик кўникмаларнинг катта қисми янги билимларни олиш жараёнида шакллантирилади. Айрим амалий ишлар мазкур дарсларда бажарилади, масалан, географик координаталарни аниқлаш, масштаб турларни билан ишлаш, Турон тэкислиги бўйлаб ўтказилган табиий географик кесмани таҳлил қилиш (ВИИ синф). Айрим амалий ишларни янги мавзунини ўрганиб бўлгандан кейин бажариш мумкин. Бунда олинган билим ва кўникмалар мустаҳкамланади.

Дидактик ўйинлар технологияси

География таълимида дидактик ўйинлар технологияси ўқувчиларни билим фаолиятини жадаллаштиришни асосий усулларида бири сифатида илгаридан қўлланиб келинади.

Табиий географик ўйинлар

Дидактик ўйинлар технологияси табиий географик билимларни ўрганишни ва ўзлатиришни фаоллаштиради. Мазкур дидактик ўйинларни синфлар бўйича ҳам аниқ бир мавзулар бўйича ишлаб чиқиш мумкин, синфлар бўйича қуйидаги предметлар ишлаб чиқиш мумкин: материклар ва океанлар табиий географияси (7-синф); Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий географияси. Табиий география дарсларида қуйидаги мавзулар бўйича дидактик ўйинларни ишлаб чиқиш мумкин:

-географик тадқиқотлар тарихи. Фаннинг ривожланиш тарихи, ҳудудларни ва айрим муаммоларни ўрганиш тарихи;

-план ва харита, шартли белгилар, андазалар, горизанталлар, географик координаталар, масштаб ва ҳ.к.;

-литосфера: ернинг ички тузилиши; ер пўсти; тоғ жинслари; рельеф ва унинг турлари, айрим ҳудудлар рельефи;

-гидросфера ва унинг таркибий қисмлари. Дунё океани. Қуруқлик сувлари, ер ости ва ер усти сувлари. Материклар ва айри ҳудудлар ички сувлари;

-атмосфера, унинг тузилиши, таркиби, ҳаво массалари. Об-ҳаво ва иқлим. Иқлим ҳосил қилувчи омиллар. Иқлим минтақалари. Сиклонлар, ёғинлар. Материклар ва айрим ҳудудлар иқлими;

-биосфера. Материклар айрим ҳудудларининг тупроғи, ўсимлиги ва ҳайвонот дунёси.

Юқорида келтирилган табиат таркибларининг ҳар бири бўйича жуда кўп дидактик ўйинлар ишлаб чиқиш мумкин.

Сюжетли - ролли ўйинлар

Ўқувчиларнинг ижодий фикрлаши, мустақил бидим эгаллаш кўникмаларини ривожлантириш ва ўзларида мужассамлашган билим, кўникма ва малакаларини янги вазиятларда қўллаш орқали янги билимларни ўзлаштиришда сюжетли-ролли ўйинлар муҳим рол ўйнайди.

Ўқитувчилар сюжетли-ролли ўйинларни кўпчилик ҳолларда матбуот конференцияси билан алмаштириб юборишади. Ҳар иккала ўйиннинг таълим жараёнида қўлланишидан кўзланган мақсад бир-бирига монанд бўлса-да, улар ўртасида катта фарқ мавжуд. Бу ҳолни дидактикада дидактик ўйинларга етарлича тавсиф берилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бизнинг фикримизча, кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат ва табиий ҳодисаларнинг, объектлар ўртасидаги алоқаларни бадиий кўриниш тарзида ёритиш асосида вужудга келтирилган муаммоларни ўқувчиларнинг ўзларидаги билим заҳираларига таянган ҳолда, ҳамкорликда, босқичма-босқич ҳал этиш жараёнида янги билимларни эгаллашга қаратилган дидактик ўйинларни сюжетли ролли ўйинлар деб аташ лозим. Бунда ўйин сюжети жамиятдан ёки табиатдан олинади. Улар география курсларини ўқитишда қўшимча маълумотлардан фойдаланишга қаратилган бўлиб, уларни турли йўللар ва методлар орқали олиш имкони бор.

Географлар учун энг асосий маълумотлар манбаи бу аҳолидир, ва ундаги маълумотлар катта аҳамият касб этади. Давлат маълумотларини олиш бугунги кунда кўпгина мамлакатларда ташкил этилган ва кенг омма учун очик. Фақат айрим маълумотларгина ёпиқ хисобланади ва аксаотьяти интернет сайтларида мавжуд. Бугунги кунда тадқиқотчи Мексикада ўтириб, сичқончанинг бир неча харақати билан англия шаҳарларида маълумотиларга эга бўлади.

2 *Кўшимча маълумотлардан фойдаланганда тадқиқотчи маълумотлар яна кимдир томонидан бошқа мақсадларда йиғилган эканлигини билиши керак.* Шу маълумотларга қўйилган саволлар бошқача бўлиши мумкинлиги, маълум холатларда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин.

3 Давлат томонидан маълумотларни йиғиш учун жуда катта маблағлар сарфланиши уларнинг фойдали даражаларини ортишига олиб келади. Маълумотлар тестлардан ўтказилади ва кодлаштирилади. (О'Райли, 1998). *Тупланган маълумотлар бир тадқиқотчи томонидан йиғилишига ҳеч қандай имкон бўлмайди.*

4 *Кўшимча маълумотлардан сизгача фойдаланишигани, уларга катта ишонч билан қараш керак эмаслиги ҳақида.* Бу ҳолат айниқса аҳолини руйхатдан ўтказишда кўринади. Чунки маҳаллий раҳбарлар аҳоли сонини керакли дажада ўзгартириши ва бу аниқ мақсадларга қаратилиши мумкин. Айрим ҳолатларда давлат маълумотлари ҳам ўзгартирилиб берилади ва бу маданий, заррат деб қабул қилинади. (Hoggart и др., 2002).

5 *Кўшимча маълумотларга таяниш ва улардан фойдаланиш.* Давлат идоралари маълумотлардан фойдаланишни бошқаради. Ва уларни архивлаштиради. Уларнинг географияси ҳам турлича бўлади. Тадқиқотчида танлаш имкони ҳам бор. Масалан миграция ёки иммиграция маълумотлари билан ишлашда бир шаҳарда барча маълумотлар бўлмаслиги ҳам мумкин. Айрим ҳолатларда аниқ маълумотлар кичик даражаларда аниқ бўлиши мумкин.

6 Кўп қўшимча маълумотлар табиат ҳақида бўлади ва улардан

фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улар кўп бўлишига қарамасдан қўшимча маълумот сифатида фойдаланиш имкониятини беради.

Географик тадқиқотларда қўшимча маълумотлардан фойдаланиш заруратдир. Бу айниқса талабалар лойихаларида тез маълумот олиш учун керак. Бугунги кунда барча тадқиқотчилардан ўз изланишлари ҳақида маълумотларни қўшимча маълумотлар банкига киритиш талаб қилинади.

Қўшимча маълумотлар манбаи

Талабалар лойихаларида асосан миллий веб-сайтлар, давлат статистика маркази маълумотлари асосий ҳисобланади. Кўп мамлакатларда бу маълумотлар очиқ ҳисобланади. 5.1 жадвалда уларнинг қатор берилади. Халқаро манбалардан энг муҳими ЮНИСЕФ маълумотларидир. (www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/index.html).

Масалан, Англия ва Уэльс талабалари аҳоли ҳақидаги жуда кўп маълумотларни маҳаллий <www.census.ac.uk> веб-сайтидан олишади. Бу эса 1971 ва 2001 йилдаги маълумотларни ҳам таққослаш имконини беради.

5.1. жадвали. (жадвал ўзгаришларсиз берилган)

A. National statistical offices (in each case the web address starts <http://www>)

Country	Web address
Argentina	indec.mecon.gov.ar
Australia	abs.gov.au
Brazil	ibge.gov.br/english
Canada	statcan.gc.ca
China	stats.gov.cn/english
Colombia	dane.gov.co
Egypt	campus.gov.eg/eng-ver
France	insee.fr/en
Germany	destatis.de/en
Ghana	statsghana.gov.gh
India	censusindia.net
Ireland	cso.ie
Italy	istat.it/english
Japan	stat.go.jp/English
Malaysia	statistics.gov.my
Mexico	inegi.gob.mx

Netherlands	cbs.nl/en
New Zealand	stats.gov.nz
Poland	stat.gov.pl/english
Portugal	ine.pt/en
South Africa	statssa.gov.za
Spain	ine.es/en
Sweden	scb.se/eng
UK	statistics.gov.uk
USA	fedstats.gov

B. International organizations

Organization	Web address
Eurostats	http://epp.eurostat.ec.europa.eu
Food and Agriculture Organization	http://www.fao.org/corp/statistics/en
UNICEF	http://www.unicef.org/statistics
United Nations	http://unstats.un.org/unsd
World Health Organization	http://www.who.int/whosis/en

Маълумотлар турли маслаларга бағишланади ва миллий марказлар маълумотларига таянади. Уларнинг ичида махсус расмий органлар сайтлар ихам мавжуд ва уларнинг маълумотлари жуда ишонарлидир. (neighbourhood.statistics.gov.uk/dissemination). Бундай маълумотлар мамлакат еки худулардаги аниқ далилларга таянади ва ишончли бўлади. Турли мамалактлар турли маълумотларни киритишади ва сайтларни беришади. Шу билан бирга hozirda пулли сайтлар тармоқлари ҳам ривожланмоқда ва маълумотлар уларда епик бўлади.

Бундан ташқари айрим маълумотлар онлайн тизимида берилади ва бу айниқса Британия мамлакатлари учун хос. Уларда сиз кўплаб маълумотлар олишингиз мумкин. Маълумотлардан жуда кенг аудитория фойдаланиши аниқланган.

Аҳолини руйхатга олиш масалаларидан фойдаланиш жуда мураккаб. Чунки бу ердаги маълумотлар аниқ эмас ва маълумотлар тор доирадан олинган (1-2% аҳоли). Уларда қариялар экологик ранг ҳолатда эканлиги, юой ва камбағаллар орасидаги тафовутлар аниқ эмас. Маълумотлар аниқ инсонлардан олинган ва гуруҳлардаги умумий ҳолатни белгиламаслиги

мумкин. (1991 и 2001 Буюк Британия). Бундаш ташқари кичик гуруҳлардаги тадқиқотлар нодавлат ташкилотларри еки тижорат усулда бажарилган.

АҚШ да ҳам талабалр ўз мамлактлари ҳақидаги аниқ умумий тахлилий маълумотлар олиши жуда қийин ва уларни (www.ipums.umn.edu). www.ipums.umn.edu сайтлардан олишади. Талабалар турли мамлакатлар ва уларнинг аҳолиси ҳақидаги умумий маълумотларни олишади, лекин аниқ жой маълумотлари аниқ эмас (см. fisher.lib.virginia.edu/pums).

Жуда кўп маълумотлар хусусий компаниялар томонидан тақдим этилади ва турли ташкилотлар томонидан сўровлар ўтказилади. Улардаги маълумотлар ҳам турлича даражага эга.

Шу билан бирга ҳозирда давлатлар томонидан маълумотлар олиш ишлари ва уларнинг тахлиллари берилмоқда. Улардаги маълумотлар ишончли, тахлиллар кўп қиррали, агарда хусусий ташкилотларда бажарилган бўлсада давлат ташкилотлари томонидан баҳоланган бўлади. Шунинг учун бундай миллий сўровлар ва тахлиллар чоп этилади ва кенг оммага тақдим этилади. это относится только к одному месту и не должно быть обобщено).

Британиялик тадқиқотчилар учун онлайн н тизимида ишлайдиган Британия архиви маълумотлари мавжуд (университет Эссекса). Унда ҳар чорак учун умимий ижтимоий тахлиллар берилади. (www.data-archive.ac.uk). www.data-archive.ac.uk). Халқаро масштабда Амчтердам университети веб-сайти маълумотлари энг фойдали ҳисобланади (www.sociosite.net).

Европа Иттифоқи учун эса Евробарометр сайти муҳим ҳисобланади (ec.europa.eu/public_opinion). Унда барча маълумотлар ва тахлиллар берилади. 1971 йилдан Буюк Британияда умумий ахаллий тахлил қилинади ва йиллик ҳисоботлар берилади (www.statistics.gov.uk/ssd/surveys/general_household_survey.asp), www.statistics.gov.uk/ssd/surveys/general_household_survey.asp). бу сайтларда жуда кўплаб турли маълумотлар берилади ва тахлил қилинади.

Бундан ташқари жуда кўплаб бошқа сайтлар ҳам бор ва уларнинг маълумотлар ҳам турличадир (www.communities.gov.uk/communities/race

www.communities.gov.uk/communities/racecohesionfaith/research/citizenshipsurvey)
www.europeanvaluesstudy.eu и www.worldvaluesstudy.org).

Европада Тадқиқотлар маданий бойлик маркази сайти (www.europeanvaluesstudy.eu) ва Ижтимоий таҳлил маркази сайтлари мавжуд. Уларнинг ҳисоботлари барча миллий марказдарада берилади. В Ҳозирда бу сайтлар кенгайтирилиб Умумбашарий тадқиқотлар марказига айлантириган (www.worldvaluesstudy.org). Бундан ташқари дунё бўйича Гэллап ташкилоти сайти мавжуд (worldview.gallup.com). Уларда турли муаммолар ва сўровлар бўйича маълумотлар берилади. Ушбу маълумотларнинг ишончлилиги даражаси жуда юқори кўрсаткичлар билан баҳоланади ва чоп этилади. Кўплаб маълумотлар очиқ ҳисобланади ва кенг фойдаланилади.⁶

Жумладан “Орол дарди-олам дарди” мавзусидаги сюжетли-ролли ўйинда сюжет табиатдан олинади ва жамиятдаги муносабатлар билан уйғунлаштирилади.

Ўқитувчи бу дидактик ўйинни ўтказиш учун қуйидагиларни амалга ошириши зарур:

- Орол муаммоларига оид маълумотларни тўплаши;
- Дарс сценарийсини ўқувчилар ва адабиёт ўқитувчилари билан ҳамкорликда тузиши;
- Роллар ва вазифаларни ўқувчилар ўртасида тақсимлаши;
- Муаммони ҳал этиш йўллари белгилаши лозим.

Ижодий ўйинлар

Ўқувчиларнинг ижодий изланиши, мустақиллиги, мантиқий фикрлашини ривожлантиришда, қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ижодий ўйинлар муҳим аҳамият касб этади.

Таълим жараёнида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни ўқувчилар гуруҳининг ўзаро ҳамкорликда аввал ўзлаштирган билим, кўникма


⁶ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 88p

ва малакаларни ижодий қўллаш ва изланиши орқали ҳал этишга замин тайёрлайдиган дидактик ўйинларни ижодий ўйинлар деб аташ лозим.

Ижодий ўйинлардан масалан, “Ўрта Осиёнинг табиат зоналари”, ни ўрганишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда ўқувчилар тенг сонли гуруҳларга ажратилиб, уларни шартли равишда “Геоморфологлар”, “Иқлимшунослар”, “Тупроқшунослар”, “Ботаниклар”, “Зоологлар” ва ҳ.к белгиланади. Ҳар бир “мутахассислар” ижодий изланиб, гўёки фанда янгиликлар кашф этадилар. Ўқитувчи томонидан тавсия этилган топшириқларни бажариб, кўргазмали қуролларга таянган ҳолда, ўз жавобларини асослайдилар.

Мазкур дидактик ўйинли дарсларда ҳамма ўқувчилар ҳамкорликда ишлайдилар, аввал ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўлаб янги билимларни эгаллайдилар. Бу эса ўқувчиларнинг ўз билимларига, иқтидорига ишонч уйғотади ва ҳар бир ўқувчи сидқидилдан ҳамда жиддий тайёргарлик муваффақият гарови эканлигини англаган ҳолда билим олишга киришади.

**Дидактик ўйинлар технологиясининг модели
(Н.Султонова томонидан тузилган)**



Назорат саволлари:

1. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштирадиган ва таълим самарадорлигини орттириш имконини берадиган педагогик технологияларни санаб ўтинг.
2. Қайси технологияларда таълим-тарбия бериш функцияси етакчи ўрин эгаллайди?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
2. SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 30 p
3. Алимқўлов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Ҳолмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.
4. Абдуллаев И.Х. ва бошқ. Маъмурий география. – Т.: 2014.
5. Абдуллаев И.Х. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. ЎУМ, ТДПУ, 2014

3-мавзу: География фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.

Режа:

1. География дарсларида маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини инновацион технологиялар асосида ўқитиш.

2. География таълими жараёнида талабалар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаш.

Таянч иборалар: Замоनावий география, ўқув фаолияти, кўргазмалилик, маъруза, семинар, амалий, лаборатория машғулот, инновацион технологиялари.

3.1. География дарсларида маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини инновацион технологиялар асосида ўқитиш.

Замоनावий география дарсларини ташкил этиш маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда олиб бориш давр талабидир. Бугунги кунда янги замоनावий педагогик технологиялар дарс жараёнига кенг кириб бормоқда. Бу ҳолат дарс жараёнининг мураккаблашиб бораётганлиги, информациянинг кўплиги ва хилма-хиллиги, замоनावий ахборот тизимларининг ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Бу борада хорижий тажрибаларга таянган ҳолда, уларни ўрганиб ва таҳлил қилиш натижасида қуйида берилаётган тажрибада синовдан ўтказилган ва ТДПУ география машғулотларида қўлланилаётган, ўз самарасини турли мавзуларда берган, жадвалга сизларнинг алоҳида эътиборингизни қаратмоқдамиз ⁷

Замоनावий ахборот воситалар (интернет, теле-видео ва бошқалар) ўқувчиларга бериладиган билим ва кўникмаларга ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Бу ўринда дарс жараёни анъанавий эскирган методларга хос ҳолатда олиб борилиши билим олувчиларда унга бўлган қизиқишни пасайиши олиб келмоқда. Бу борада замоनावий педагогик технологиялар ўзининг

⁷ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 43 p

ихчамлиги, кўргазмалилиги, методларга бойлиги билан дарс жараёнини фаоллашувига катта хизмат қилмоқда. Бу борада география фанидан олиб бориладиган машғулотлар ҳам бундан мустасно эмас.

Таълим жараёнини самарадорлигини оширишда янги таълим технологиялари катта аҳамиятга эга. Янги таълим технологиялари қуйидагиларга имкон беради:

а) ҳар бир таълим муассаси ўқувчисига ўзининг шахсий таълим йўналишини ривожлантиради;

б) ўқув жараёнини тубдан ўзгартиришга ва уни тизимли тафаккурлаш томонига лойиҳалашга имкон беради;

в) ўқувчиларни билиш фаолиятини самарали ташкил қилишга имкон беради. Бундай ёндошиш компьютерни билиш воситасига айлантиради.

Таълим муассасиларда компьютерларни ўрни қандай бўлиши деган савол таълимини компьютерлаштишни дастлабки босқичларидаёқ қўйилган эди. Аммо компьютерларни ўрганишдан ундан фойдаланишга ўтиш жуда қийинчилик билан амалга оширилмоқда. Кўп ҳолларда география ва бошқа фанлардан ишлаб чиқилган компьютер технологиялари талабсиз қолиб кетади. Бунинг асосий сабабларидан бири уларни одатий дарсларни давоми бўлиб қолишидир. Электрон дарсликлар кўп ҳолларда дарсликларни бир нусхасига (кўпясига) айланиб қолмоқда. Шунинг учун уларга талаб камроқ бўлиб қолмоқда. Уларни самарадорлиги тажрибали ўқитувчи самарадорлигидан юқори бўлмапти.

Электрон дарсликларни ёки компьютер технологиясидан фойдаланишга талабни камайиб боришининг асосий сабабларидан бири ўқувчиларни замонавий таълим таълаблари ва замонавий тамоиллар билан шахсга йўналтирилган ёндошиш ва синф-дарс тизимида фойдаланишга йўналтирилган дастурларни бир бирига мос келмаслигидир. Бугунги кунда география фанидан ишлаб чиқилган электрон дарсликлар жуда оз ва уларнинг сифати талаб даражасида эмас. ЎЗМУ доценти, п.ф.н. Х.Никадамбаева томонидан ишлаб чиқилган, ва замон талабларига топла жавоб берадиган “Жаҳон иқтисодий

географияси” фанидан электрон дарслик жуда катта ҳажмга эга эканлиги ва уни қўллаш муракаблиги билан ажралиб туради. Бу ўринда география фанидан жиҳозланган, замонавий ахборот тизимига эга бўлган аудиториялар талаб қилинади. Ҳозирда бундай имкониятларга эга бўлган хоналар ТДПУ, ТИУ, ТШИ ва бошқа олийгоҳлардагина мавжуд. Шу билан бирга бундай технологиялар ўқитувчи педагоглардан ахборот тизимлардан фойдаланиш билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади.

Компютерларни янги авлодини яратиш билан янги технологиялар ишлаб чиқилади, шу билан бмирга таълим технологиялари ҳам ишлаб чиқилади. Компютерда матн, чизма, аудио ва видео маълумотларни бирлаштириш ўқув маълумотлари сифатини кескин ошириб юборади.

Компютерлар индустриясини ривожлангтириш педагогик жараёнда инқилобий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Унинг асосида эса ўқувчини индивидуал фаолиятини таъминлайдиган технологияларга ўтиш ётади. Бундай технологияларга ўтиш дастурий воситаларни яратиши билан боғлиқ. Яхлит компютерлаштирилган предметли курсларда одатий дастурий асосномаларнинг айрим қисмлари сақлаб қолинади улар эса таълим муассаси дарсликларини турли даражаларда қайтаришади. Шунинг учун мазкур курслар қуйидагиларга йўналтирилган бўлмоғи лозим:

а) ихчам (компакт) предмети мавжуд бўлиши, у ўқувчиларни мустақиллини юқори даражада таъминлаши лозим.

б) турли сохаларда билимларни юқори даражадаги интеграцияси мавжуд бўлган предметларни ўрганишда; таълим муассасиларда ўқитувчиларни қисман ёки топла компютерлар билан алмаштириш;

в) синф-дарс тизимига асосланмаган экспериментал таълимий тезнологияларни яратиш;

г) ўқув жараёнида компютерлардан фойдаланишни янги ёндошувларини ишлаб чиқиш;

д) шахсга йўналтирилган дастурий асосларни ишлаб чиқиш.

3.2. География таълими жараёнида талабалар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаш.

География таълимида инфармацион технологияларни қўллаш қуйидаги сохаларда олиб борилмоқда:

- электрон дарсликлардан фойдаланиш; электрон хариталардан фойдаланиш;
- интернет имкониятларидан фойдаланиш;
- видео филмлардан фойдаланиш;
- масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш.

Ҳозирги даврда жуда кўп дарсликларнинг электрон версиялари яратилмоқда. Шу муносабат билан ўқувчилар берилган мавзунини электрон дарсликдан топиб уни ўқувчи ёрдамида, ёки мустақил ўрганиши мумкин. Дарсни ўқитувчи бошқариб туриш мумкин. Бунда ўқитувчи матнни ўрганишда изохлар бериб боради. Матндаги чизмалар, расмлар, хариталар, жадваллар алоҳида тушунтирилади. Дарсни охирида ўқитувчи компьютер орқали ўқувчиларга саволлар бериши мумкин. Ўқувчилар эса компьютер орқали жавоб беришади. Уларнинг берган жавоблари ўқитувчи томонидан баҳоланади.

Ҳар қандай таълимнинг мақсади - билимни ҳамда уни амалда қўллай билиш кўникмалари ва малакаларини шакллантириш, шунга зарур шахс сифатлари ва кўрсатмаларни ишлаб чиқишдир.

Ўқув фаолияти ҳаракатида мақсаднинг барча компонентлари амалга ошар экан, турли методларни биргаликда қўллаш зарур. Шунинг учун, метод танлашда энг асосий омил бўлиб, ўқув машғулотининг дидактик вазифаси хизмат қилади.

Ўқув мақсади	Методлар
Билим	Маъруза, намойиш, видеоусул, баҳс - мунозара, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, ишбоп ўйин, ролли ўйин, муаммоли вазият, лойиҳалаш, давра суҳбати
Кўникма малака ва	Лаборатория ишлари, амалий машқлар, тўрт поғонали метод, ишбоп ўйин, ролли ўйин, муаммоли вазият, лойиҳалаш, йўналтирувчи матн

Ишбилармонлар ўйини

Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни акс эттириб, ўқувчилар маълум бир вазифани, топшириқни бажариш орқали билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш билан бир қаторда, касбий сифатларни таркиб топтириш, уларни онгли равишда касбга йўллаш, илмий дунёқарашини кенгайтиришга мўлжалланган дидактик ўйинлар ишбилармонлар ўйини дейилади. Ишбилармонлар ўйини ҳам бошқа ўйинлар каби, ўқитувчи ва ўқувчилардан пухта тайёргарлик кўришни талаб этади. Шу сабабли ўқитувчи қуйидаги вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириши зарур:

1. қайси мавзуларни ишбилармонлар ўйини тарзида ўтказишни белгилаш;
2. дидактик ўйиннинг мақсади, вазифалари, бориши, мантиқий кетма-кетлиги, ўқувчилар бажариши лозим бўлган топшириқларни аниқлаш ва режалаштириш;
3. дидактик ўйин давомида ўқувчилар олдида қўйиладиган ўқув-билиш характеридаги муаммоли вазиятлар тизимини вужудга келтириш йўллари аниқлаш ва лойиҳалаш;
4. ўқувчиларни дидактик ўйиннинг мақсади ва вазифалар билан таништириш, дидактик ўйин талаб этадиган вазифаларни тақсимлаш ва ҳар бир ўқувчига тегишли аниқ йўлланмалар, кўрсатмалар бериш;
5. мазкур ўқув-билиш характеридаги муаммоли вазиятларни ҳал этишда ўқувчиларнинг аввалги мавзулардан ўзлаштирган билим кўникма ва малакаларни таниш, одатий ва янги кутилмаган вазиятларда қўллаш имкониятларини аниқлаш;
6. ўқувчиларнинг дидактик ўйинга тайёргарлик фаолиятини кузатиш ва назорат қилиш;
7. таълим-тарбия жараёнини ҳозирги замон талабига мос ҳолда ташкил этилган дарсда ўқитувчи ҳар бир мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда

ўқувчиларни касбга йўллаши ва шукасларини эгаллашлари учун қандай билимларга эга бўлиши кераклигини қайд этиши лозим.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган барча фанларнинг асосларини, жумладан Географияни жуда яхши ўзлаштирган, билимдон, зукко шахслар бозор иқтисодиёти шароитида, жамиятда ўз ўрнини топиши, кўпроқ тадбиркорлик билан шуғулланишларига имкон яратилиши қайд этилади. Агар улар фан асосларини яхши билмасалар, тадбиркорлик билан шуғуллана олмасликлари, шуғуллансалар ҳам ўз биржасига ёки корхона-концернига фойда келтира олмасликлари, олди-сотди жараёнларида инқирозга дуч келиши ва иш ўринларини йуқотишлари мумкин. Республикамизда “Тошкент”, “Туркистон”, “Осиё” ва шу каби товар биржалари, кўшма корхоналар, фермер хўжаликлари бўлиб, улар жаҳоннинг жуда кўп мамлакатлари билан тижорат ишларини амалга ошириб, саноат корхоналарига кўпроқ хом-ашё, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чорва моллари харид қилиб, уларни аҳолига етказиб бериш билан шуғулланаяптилар, шу сабабли бундай биржаларда ишлайдиган ишбилармонлар қишлоқ хўжалигининг назарий асослари бўлган География фан асосларини яхши билишлари керак.

Модомики шундай экан, География дарсларида бозор иқтисодидаги муаммолари ҳал этишга йўналтириш ҳозирги вақтда энг долзарб муаммо ҳисобланади.

Конференция методи

Дидактик ўйинли дарслар ичида конференция дарслари муҳим ўрин тутади. Конференция дарслари ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда, илмий дунёқарашни кенгайтиришда, уларни кўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништиришда, илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини ривожлантиришда, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашда, онгли равишда касб танлашида муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчи конференция дарсини ўтишдан аввал дарс мавзусини, мақсади ва вазифаларини аниқ белгилаб олиб шу мавзуга оид қўшимча илмий, илмий-оммабоп адабиётларни кўздан кечиради. Мазкур дарс ўтказишдан 10 кун олдин дарс мавзуси эълон этилиб, унга тайёргарлик кўриш учун адабиётлар тавсия қилинади. Эълон қилинган дидактик ўйинли дарсда “олимлар” ролини танлаш, мавзуни ҳар томонлама ёритиш, ҳар бир ўқувчининг қизиқиши ва қобилиятига яраша маъруза тайёрлаш ўқувчиларнинг ихтиёрида бўлади. Дарсга тайёргарлик даврида ўқитувчи томонидан ижобий рағбатлантиришнинг устунлиги ва муваффақиятга йўлловчи ўқитувчининг мулоқот маданияти, ўзаро ёрдами ўқувчиларнинг дарсга қизғин тайёргарлик кўришнинг муҳим омили саналади.

Илмий конференция дарсини қуйидагича ўтказиш тавсия этилади:

1. Ўқитувчининг кириш сўзи. Бунда ўқитувчи дарс мавзуси, мақсади ва вазифалари, тегишли ролларни бажарувчи “олимлар” билан таништиради;
2. Илмий маърузаларни тинглаш “Олимлар” мавзу юзасидан тайёрлаган маърузаларини кўргазмалар кураш асосида баён этадилар;
3. Маърузалар муҳокамаси. Бунда “Олимлар” ва синфдаги бошқа ўқувчилар ўртасида мавзу юзасидан баҳс, мунозара ўтказилади;
4. Илмий конференция якуни. Ўқитувчи мавзу юзасидан энг муҳим тушунча ва ғояларни таъкидлаб, яқунлайди;
5. Ўқувчиларни баҳолаш. Дарсда фаол иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилади ва рейтинг тизимига мувофиқ баҳоланади.

Матбуот конференцияси

Матбуот конференцияси синфдаги барча ўқувчиларнинг ўқув - билиш фаолияти фаол бўлиши билан характерланади. Ўқитувчининг матбуот дарсига тайёргарлиги бир мунча мураккаброк. Ўқитувчи матбуот конференциясини ўтказишдан бир ҳафта аввал синф ўқувчиларини икки гуруҳга бўлади. Уларнинг тахминан 30% паррандалар селекцияси соҳасида ишлаётган олимлар ва паррандачилик фабрикаларининг мутахассислари, қолганлари

республикамизда нашр қилинадиган газета ва журналларнинг мухбирлари ролини бажарадилар.

Газеталардан республикамизда нашр қилинадиган “Ўзбекистон овози”, “Қишлоқ ҳақиқати”, “Халқ сўзи”, “Тошкент оқшоми”, “Туркистон”, “Тошкент ҳақиқати”, журналлардан “Фан ва турмуш”, “Қишлоқ хўжалиги”, “Саодат”, “Сихат-саломатлик”ни олиш мумкин.

Шундан сўнг, ҳар қайси газета ва журнал мухбирларининг матбуот конференциясида берадиган саволлари ўқувчилар ёрдамида тузилади. Бу саволлар муҳокама қилинаётган муаммони ҳар томонлама қамраб олиши керак.

Саволлар мазмуни муҳокамадан ўтгандан сўнг, газета ва журнал мухбирлари ва селекциячи олимлар роли ўқувчиларнинг хоҳишига кўра тақсимланади.

Ўқитувчи паррандачилик селекцияси билан шуғулланадиган олимлар ва мутахассислар ролини бажарадиган ўқувчилар билан алоҳида тайёргарлик ишларини олиб боради. Уларга қўшимча адабиётлардан фойдаланиш ва саволларга жавоблар топиш ҳақида кўрсатма беради. Саволларга бериладиган жавоблар қисқа, аниқ, илмий жиҳатдан асосланган, маҳаллий материалларни қамраб олган бўлиши лозим. Ўқитувчи ана шу жавобларни олдин кўздан кечириши, агар уларда жузъий камчиликлар бўлса, уларни тўғрилаши, тўлдириши кераклигини ўқувчиларга топширади.

Мухбирлар ролини бажарадиган ўқувчилар ҳам саволларга жавоблар топиши олимлар ва мутахассислар билан мулоқотга кириши учун етарли даражадаги билимларга эга бўлишини таъминланиши керак.

Мазкур дарсга ҳамма ўқувчилар улар қайси ролни бажаришидан қатъий назар қизғин тайёргарлик кўриши лозим.

Назорат саволлари:

1. Матбуот конференцияси синфдаги барча ўқувчиларнинг ўқув - билиш фаолияти фаол бўлиши билан характерланадими .

2. Дидактик ўйинли дарслар ичида конференция дарслари муҳим ўрин тутадими.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Nicholas Clifford,Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography

2.SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd,33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 43 p.

3.Алимқўлов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Ҳолмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.

4. Абдуллаев И.Х. ва бошқ. Маъмурий география. – Т.: 2014.

5.Абдуллаев И.Х. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. ЎУМ, ТДПУ, 2014

4- мавзу: География таълимида табиий ва иқтисодий-ижтимоий йўналишлар. География фанларини ўқитишда анъанавий картографик, географик-тарихий, геоэкологик ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.

Режа:

1. География таълимнинг тарихий ривожланиши.
2. География фанларида табиий ва иқтисодий-ижтимоий йўналишларнинг шаклланиши ва ривожланиши.
3. География фанларини ўқитишда анъанавий ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари.

Таянч иборалар: анъанавий ва замонавий педагогик технологиялар географик қобик, аэрофотосурат, космосурат, географик харита.

4.1. География таълимнинг тарихий ривожланиши.

География таълими методикаси тарих, тил ва адабиёт ва бошқа гуманитар фанлар билан ҳам боғланган. Мактаб географиясида географик билимларнинг ривожланишини, ҳар бир материк ва ўлкаларни табиатни ва уни ўзлаштирилиш тарихини ўрганиш тарихий манбаларинини ўрганиш билан боғлиқ. Географик номларни тўғри узулиши, уларни талқини, келиб чиқиши ва мазмунини аниқлашда тилшунослик қонунятлари ва қоидалари асосида олиб борилади. Мактаб географиясида жаҳон, мамлакатлар ва ҳудудларини ўрганишда, географик қобикни таркибий қисмлари ва ундаги жараёнларни ўқувчиларга тушунтирилишида бадиий адабийлардаги ёрқин ифодалар, талқинлар ва тасвирлардан фойдаланилади.



География таълимини ривожлантириш дастлабки босқичларда асосий экспериментал-эмприк усуллар қўлланилган. Аммо XX-асрнинг 2-ярмидан бошлаб география таълими методикасининг назарий жиҳатларини ривожланиши оқибатида у хусусий дедактика фанига айланди. География асосида

методик тадқиқотларда назарий усуллар ва уларнинг алоҳида қисмлари кенг қўлланила бошланди.

География фанлари доктори, профессор Х.Вахобов кўп йиллар давомида Тошкент Давлат педагогика университетининг табиий фанлар факультетида география ва уни ўқитиш методикасидан маъруза дарсларини олиб борган. География ва унинг таълимидаги муаммолари ҳақида у ўзининг «География ўқитиш методикаси» дарслигида қуйидаги фикрларни билдиради: «География фани ва таълимида Ўзбекистонни чуқурроқ ўрганиши, ушбу фан тармоқлари бўйича тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, география таълимини такомиллаштиришга бўлган талаб ҳозирги кунда таълимдаги энг муҳим масалалардан биридир.



Замонавий география фани ва таълим методикасини такомиллаштиришда бир қатор олий ўқув юртлари илмий изланиш олиб бордилар. Жумладан, ўтган асрнинг 60-70 йилларида география таълими ўз ривожланишида яна бир янги босқичга кўтарилди. Ўша даврда география фанини такомиллаштиришда:

А.Обидов, О.Саидрасулов, Н.Д.Далимов, З.Ақромов, О.Мўминов, М.Набихонов, П.Баратов, И.Мирзобоевларнинг хизматлари катта бўлди. Бу даврларда “Табиий географиядан методик қўлланма” (П.Баратов, 1977й.), “Ер билими ва ўлкашунослик” талабалар учун дарслик (П.Баратов, 1980й.), “Ўзбекистон табиий географияси” (М.В.Қориев ва бошқ, 1981 й.), “Табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш” (П.Баратов ва бошқ, 1980й.), “Ер билими ва ўлкашунослик” (П.Баратов, 1980й.), “Геологиядан амалий машғулотлар” (А.Қурбонов, 1983 й.), “Топография асослари ва картография” дарслиги (М.Асомов, 1985й.), “Табиий географияни ўқитиш методикаси” (О.А.Мўминов, 1976й.) каби қатор дарсликлар яратилди. “Ўрта Осиё чўлларининг эртанги куни” (П.Баратов, 1980й.),

Мустақиллик йиллар арафаси ва унинг бошларида ”Замонавий география дарсига қўйиладиган талаблар”(О.Мўминов,1990й.), “Олий география дарсларида компьютер техникасидан фойдаланиш” услубий қўлланмаси (О.Мўминов,У.Сафаров,1992 й.) каби дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялар чоп этилди.

4.2.География фанларида табиий ва иқтисодий-ижтимоий йўналишларнинг шаклланиши ва ривожланиши.

Бугунги кунда география таълимини замонавий талабларга мос равишда ТДПУ географ –педагоглари томонидан профессор П.Баратовнинг “Ўрта Осиё табиий географиясидан амалий ишлар” (2014й), Н.Р.Алимқулов ва бошқаларнинг “Билим олишнинг интеллектуал тизимини ишлаб чиқиш назарияси ва амалиёти” (2011й), Н.Р.Алимқулов ва И.Х.Абдуллаевларнинг “Амалий география фанини соҳаларга йўналтириб ўқитиш методикаси” (2012й), А.Низомов ва бошқаларнинг “Топонимика” ўқув қўлланмаси (2013й), Н.И.Сафарова, З.А.Аманбаева ва А.Гаппаровларнинг “Моддий ишлаб чиқариш асослари” (2013й), М.Ш.Нурматовнинг «Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-географик хусусиятлари» (2013й), Н.Алимқулов, И.Абдуллаев, Ш.Холмуродовларнинг “Амалий география” номли электрон ўқув қўлланмаси (2015.) каби ўқув қўлланмалари нашр қилинди.

Бугунги кунда география ўқитишнинг умумий методикаси назарий ва методик масалалар ишлаб чиқидган, бунда асосий эътибор ўқув-тарбиявий мақсадларни ишлаб чиқишга қаратилади. Аниқланган ўқув-тарбиявий мақсадлар асосида география таълимини мазмуни тодика икки қисмга бўлинади:

- табиий географияни ўқитиш методикаси;
- иқтисодий ва ижтимоий географияни ўқитиш методикаси;

Хусусий география ўқитиш методикаси табиий ҳамда иқтисодий ва ижтимоий география курсларини алоҳида предметлари бўйича ўқув тарбиявий жараёнларни ўзига хос хусусиятларини ишлаб чиқади. Хусусий ўқитиш

методикаси алоҳида география фанларини мазмуни учун умумий методиканинг назарий ишланмаларини аниқлаштиради, ҳар бир география курсини мазмуни ва тузилиши географик тушунчаларни шакиллантириш, ўқув ишлари усулларини, ўқувчиларнинг мустақил ишларини таҳлил қилиш муаммоларини ишлаб чиқаради. Географияни ўқитишда дала амалиёти ишлари катта аҳамиятга эга. Ушбу ишларда махсус ишланмалар, асбоб-ускуналар, тиббий тайёргарлик, билим ва кўникмалар талаб этилади. Бу ишларга амалиёт раҳбари масъул бўлиб, натижаларни олдиндан таҳлил қилиши ва ҳар қандай ҳолатларни бошқара олиши лозим бўлади.⁸

География фанларининг ўқитилишида энг муҳим методлардан бири бу карталардан фойдаланишдир. Карталар география таълимида асосий ўқитиш воситаси бўлиб ҳисобланади. Географик карталардан ўқитишнинг барча шакилларида фойдаланиш мумкин; дарс беришда, амалий ишларда, мустақил ишларда, билимларни баҳолашда ва х.к.

Географик хариталарда турли – туман воқеа ва ҳодисалар тасвирланганни учун, улар жуда хилма-хил бўлади. Хариташуносликда қуйидаги тушунчалар учрайди:

тарх , харита, аэрофотосурат, космосурат, миқёс.

Лойиҳалар (проекциялар) - бу Ер юзасининг харитада тасвирлаш усулидир. Ер думалоқ бўлганлиги туфайли уни текисликда тасвирланаётганда маълум бир хатоликларга йўл қўйилади. Бундай хоталиклар асосан майдонни, узунлигини ва бурчакларни тасвирлаётганда йўл қўйилади. Шунинг учун турли ҳил (тенг бурчакли, тенг майдонли, тенг масофали ва аралаш лойиҳалар) қўлланилади.

Шартли белгилар – воқеа ва ҳодисаларнинг маълум бир белгилар ёрдамида харитада тасвирланишидир. Миқёсли шартли белгилар ёрдамида воқеа ва ҳодисалар ҳақиқий ўлчамлари билан тасвирланади. Миқёсис шартли белгилар билан, хариталарнинг миқёсида кўрсатиб бўлмайдиган воқеа ва

⁸ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 80 p

ҳодисалар тасвирланади (ТЭЦ, қон, шаккилар, аҳоли яшайдиган жойлар). Чизиқли шартли белгилар билан дарё оқимининг йўналиши, ўрмондаги дарахтларнинг турлари кўрсатилади. Бундан ташқари ёзувли, харфли, сонли шартли белгилар ҳам бўлади.

Шартли белгилар

Воқеа ва ҳодисаларнинг маълум бир белгилар ёрдамида харитада тасвирланишига **шартли белгилар** дейилади. Масштабли шартли белгилар ёрдамида воқеа ва ҳодисалар ҳақиқий ўлчамлари билан тасвирланади. Масштабсиз шартли белгилар билан, хариталарнинг миқёсида кўрсатиб бўлмайдиган воқеа ва ҳодисалар тасвирланади (ТЭЦ, қон, аҳоли яшайдиган жойлар). Чизиқли шартли белгилар билан дарё оқимининг йўналиши, ўрмондаги дарахтларнинг турлари кўрсатилади. Бундан ташқари ёзувли, харфли, сонли шартли белгилар ҳам бўлади.

Масштаб - бу картадаги чизиқнинг узунлигини Ер юзасидаги шу чизиққа мос келадиган ҳақиқий узунликка нисбатдир. У картадаги тасвир неча марта кичрайтирилганини кўрсатади. Масалан, картада дарёнинг узунлиги 1см , ҳақиқий узунлиги 10 км, ёки 1 000000 см. Демак хаританинг миқёси 1: 1 000000 . Миқёслар сонли, чизиқли ва сўзли бўлади. Сонли миқёс касрдан иборат, унинг сурати 1- га тенг, махражи эса картада тасвир неча марта кичрайтирилганни кўрсатадиган сон бўлади. Масалан, 1: 1 000 ёки ----- бу тасвирни минг марта кичрайтирилганлигини кўрсатади. Чизиқли миқёс - бу тенг бўлақларга бўлинган тўғри чизиқдир. Ҳар бир бўлақ қанча масофага тенглиги унинг устига ёзиб қўйилади. Сўзли миқёс картадаги 1см масофа ҳақиқатда қанчага тенглигини кўрсатади. Масалан 1см 10км га тенг.

МАВЗУ	Географияни ўқитишда картографик технология
--------------	--

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Ўқув машғулотининг шакли:	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси:	<p>1. Умумий картографик тушунчалар. Шартли белгилар ва уларни ўқиш.</p> <p>2. Географик атласлар , глобуслар ва уларнинг турлари</p> <p>3. Карталарни тушунтириш технологияси.</p> <p>4. Географик карталарни ўқиш технологияси</p> <p>5. Картографик тасаввурларни шакллантириш технологияси.</p>
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларга картографик технология, унинг ўзига хос хусусиятлари, география дарсларида географик карталардан фойдаланиш усуллари тўғрисида илмий тушунча бериш.	
Педагогик вазифалар Умумий картографик тушунчалар ва шартли белгилар ва уларни ўқиш усуллари ўргатиш; Географик атласлар , глобуслар ва уларнинг турлари билан таништириш; Карталарни тушунтириш технологиясини ўргатиш;	Ўқув фаолиятининг натижалари Талаба: Умумий картографик тушунчалар ва шартли белгилар ва уларни ўқиш усуллари билиб олади; Географик атласлар , глобуслар ва уларнинг турларини билиб олади; Карталарни тушунтириш технологиясини ўрганади;

<p>Географик карталарни ўқиш технологиясини тушунтириш;</p> <p>Картографик тасаввурларни шакллантириш технологиясини тушунтириш.</p>	<p>Географик карталарни ўқиш технологиясини тушуниб олади;</p> <p>Картографик тасаввурларни шакллантириш технологияси ўрганади.</p>
--	---

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	1.1. Мавзу, унинг мақсади, кутилаётган натижалар маълум қилинади (1-илова)	1.1. Эшитади, ёзиб олади.
2 – босқич. Асосий (60 минут)	<p>2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди. (2- илова)</p> <p>2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда назарий маълумотлар беради (3-7-илова)</p> <p>2.3. Картографик технологияларларни ташкил этиш ва уларни амалда қўллаш йўллари ўргатади.(8-10- илова)</p> <p>2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топшириқни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди (11-илова)</p>	<p>2.1. Эшитади. Навбат билан саволларга тезкор жавоб беради.</p> <p>2.2. Тинглайди, матн мазмунига алоҳида эътибор қаратади.</p> <p>2.3. Картографик техно-логиядан фойдаланиш-ни ўрганадилар ва амалда қўлланилишида иштирок этадилар маълумотларни ёзиб олади.</p> <p>2.4. Тинглайди ва керакли жойларини ёзиб олади.</p>
3- босқич. Яқуний. (10 минут)	3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади (11-илова). Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради.	<p>3.1. Эшитади, аниқлаш-тиради.</p> <p>3.2.</p>

	<p>3.2. Мустақил иш учун вазифа: муаммоли таъли технологиясига дарс ишланмасини тузиш</p>	<p>Топшириқни ёзиб олади.</p>
--	---	-----------------------------------

Назорат саволлари:

1. Географик карта деб нимага айтилади?
2. Географик картанинг қандай турлари мавжуд?
3. Умумий картографик тушунчалар. Шартли белгилар ва уларни ўқиш.
4. 2.Географик атласлар, глобуслар ва уларнинг турларини санаб беринг.
5. Карталарни тушунтиришнинг қандай технологияларини биласиз?
6. Картографик тасаввурларни шакллантириш технологияси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography.
2. SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 80 p.
3. Алимқўлов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Ҳолмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.
4. Абдуллаев И.Х. ва бошқ. Маъмурий география. – Т.: 2014.
5. Абдуллаев И.Х. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. ЎУМ, ТДПУ, 2014

5-мавзу: География фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотни яратиш. География фанларидан дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш.

Режа:

1. География фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш масалалари.

2. География фанларидан дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва электрон дарсликлар яратиш муаммолари.

3. География ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусларини яратиш.

Таянч иборалар: Электрон дарслик, портфолио, силлабус, ўқув-методик қўлланма, электрон-таълим ресурслари, дарслик, дидактик таъминот.

5.1. География фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш масалалари.

География фанларидан дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Чунки бу борада республикамизда олиб борилаётган ишлар география фанларида катта эътиборни талаб қилмоқда. Янги адабиётлар яратилиши асосан Тошкент, Самарқанд, Нукус география жамоалари томонидан бажарилаётганлиги, бу борада қилиш керак бўлган ишларнинг аксарияти янги талабларга жавоб бераётганлиги диққатга сазовордир. Электрон дарсликлар география фанларидан замонавий талаб даражасида ЎзМУ доценти Х.Никадамбаева томонидан “Жаҳоннинг иқтисодий -ижтимоий географияси” фанидан ишлаб чиқилган, замонавий педагогик технологиялар талабларига мос кела оладиган ўқув қўлланмалар жуда оз ва улар ҳам талаб даражасига топиқ жавоб бермайди. Бу борада айрим ишлар ТДПУ томонидан бажарилаётганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Х.Ваҳобов ва бошқ “Географияни оқитиш методикаси”, Олий таълим муассасалари талабалари учун ўқув қўлланмаси (Нукус, “Билим” нашриёти, 2010,.), Х.Ваҳобов ва У.Якубовларнинг “Рекреацион география асослари” ўқув қўлланмаси (Т., “Фан ва технология” нашриёти, 2012), А.Низомов муаллифлигида “ЎЗБЕККИНО” миллий агентлиги “ЭСИ-ЭКО-ФИЛЬМ” студияси томонидан “САРДОБА” об-ҳаёт қўриқчилари илмий-оммабоп фильми (2006.), “БОРСА КЕЛМАС” Устюрт пасттекислиги сирлари ва афсоналари туркумидан илмий-оммабоп фильми (2007.), “ЧИНК-СУКИНАТ САЛТАНАТИ” Устюрт пасттекислиги сирлари ва афсоналари туркумидан илмий-оммабоп фильми (2007.), “ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЧКИ СУВ ҲАВЗАЛАРИ” ўқув-услубий фильми (2011.) тайёрланиб, фойдаланилмоқда. Абирқулов Қ.Н., Ражабов Н.Р., А.Н.Хожиматовларнинг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” (Т., 2004, 126 бномли дарслик, ўқув қўлланма, монографиялар чоп этилди.

Профессор П.Баратовнинг “Табиий география” (Ўрта Осиё табиий географиясидан амалий ишлар) ўқув қўлланмаси (Т., ТДПУ, 2014.), Н.Р.Алимқулов ва бошқаларнинг “Билим олишнинг интеллектуал тизимини ишлаб чиқиш назарияси ва амалиёти” қўлланмаси (Т. “Фан” нашриёти, 2011.), Н.Р.Алимқулов ва И.Х.Абдуллаевларнинг “Амалий география фанини соҳаларга йўналтириб ўқитиш методикаси”. Ўрта махсус КХ таълими ўқитувчилари учун методик қўлланмаси (Т., ТДПУ, 2012.), А.Низомов ва бошқаларнинг “Топонимика” ўқув қўлланмаси (Т., “Шарқ” нашриёти, 2013.), А.Низомов, З.Аманбаева ва Н.Сафароваларнинг “Ўзбекистоннинг экотуристтик ресурслари ва йўналишлари” қўлланмаси (Т., “Фан ва технология” нашриёти, 2014.), Н.И.Сафарова, З.А.Аманбаева ва А.Гаппаровларнинг “Моддий ишлаб чиқариш асослари” қўлланмаси (Т., ТДПУ, 2013.), М.Ш.Нурматовнинг «Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-географик хусусиятлари» ўқув қўлланмаси (Т., “Фан” нашриёти, 2013.), Н.Алимқулов, И.Абдуллаев, Ш.Холмуродовларнинг “Амалий география” номли электрон ўқув қўлланмаси (Т., ТДПУ, 2015.), А.Рафиқов, А.Хожиматов, Н.Алимқулов,

Ш.Холмуродовларнинг “Геоэкология асослари” (Т.,”Ўзбекистон” нашриёти, 2015.), А.Низомовнинг “Табийий географик жараёнлар”(Т.,”Фан ва технология” нашриёти, 2015) ўқув қўлланмаси нашр қилинди.

5.2.География фанларидан дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва электрон дарсликлар яратиш муаммолари.

Шу билан биргаликда география олий таълимида бугунги кунда электрон-таъминот дастурлар, ишланма ва қўлланмалар етишмаётганлиги, тайёрланган ЎУМ илмий ва методологик ҳолати талаб даражасида эмас. География таълимида етакчилик қилаётган ТДПУ географилари томонидан бугунги кунда қатор портфолио ва силабуслар тайёрланмоқда ва интернет сайтларига киритилган. Бугунги кунда олий таълимда ҳар бир ўқитувчи ўз портфолиосини тайёрлаб унга мунтазам равишда янгиликлар киритиб борши лозим. Портфолио ўқитувчи ҳақидаги барча маълумотлар, у томонидан ишлаб чиқилган дастурий таъминот, дарслик. ўқув қўлланмалар, мақолалар ва фанлар учун ишлаб чиқилган ишланмалар ва тестлар топламларидан иборат. Силабус бу алоҳида ўқув курси еки фан учун тайёрланадиган йирик электрон –услубий таъминот. Унда фан таълимида мавжуд бўлган барча маълумотлар жамланган бўлади. Намуна сифатида кафедра катта ўқитувчиси И.Исломов томонидан ишлаб чиқилган силабуснинг электрон тизими қуйида келтирилган.

**5.3. География ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва
силлабусларини яратиш**

**«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ
ГЕОГРАФИЯСИ»**

фанининг

2014/2015 ўқув йили учун мўлжалланган

СИЛЛАБУСИ

Фаннинг қисқача тавсифи					
ОТМнинг номи ва жойлашган манзили:	Тошкент давлат педагогика университети		Юсуф Хос Хожиб кучаси 103 уй		
Кафедра:	География ва уни ўқитиш методикаси		Табиёт фанлари факультети таркибида		
Таълим соҳаси ва йўналиши:	110000 – Педагогика таълим соҳаси	5110500 – География ўқитиш методикаси йўналиши			
Фанни (курсни) олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:	Катта ўқитувчи И.Исломов	э-маил:	Имон_гали-76@маил.ру		
Дарс вақти ва жойи:	3-бино 4-08 аудитория	Курснинг давомийлиги:	02.09.2014-20.01.2015		
Индивидуал график асосида ишлаш вақти:	душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари 14.00 дан 16.00 гача				
Фанга ажратилган соатлар	Аудитория соатлари				Мустақил таълим:
	Маъруза:	6	Амалиёт:	6	
Фаннинг бошқа фанлар билан	Ўрта Осиё табиий географияси, Тупроқлар географияси, Моддий ишлаб чиқариш асослари.				

боғлиқлиги (пререквизтлари):	
Фаннинг мазмуни	
Фаннинг долзарблиги ва қисқача мазмуни:	<p><u>Фанни ўқитишдан мақсад</u> – бакалаврият талабларини кенг доирада республикамиз қўшни давлатларининг ўзига хос географик ўрни, табиий бойликлари, аҳолиси ва меҳнат ресурслари, улар халқ хўжалигининг асосий хусусиятлари, ишлаб чиқариш тармоқларининг таркиби ва ҳудудий жойлаши, ташқи иқтисодий алоқалари, иқтисодий районлари ва улар ўртасидаги географик ва экологик тафовутлар билан таништиради.</p> <p><u>Фаннинг вазифаси</u> - мамлакатлар ҳақида талабаларга бозор иқтисодиётига ўтиш даври талаблари асосида ҳар тарафлама чуқур билим бериш билан бирга Ватанни севиш ва ардоқлаш, миллий қадриятларни эъзозлаш ва уларга сидқидилдан хизмат қилиш руҳини сингдиришдир.</p>
Талабалар учун талаблар	<ul style="list-style-type: none"> - ўқитувчига ва гуруҳдошларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш; - университет ички тартиб - интизом қоидаларига риоя қилиш; - уяли телефонни дарс давомида ўчириш; - берилган уй вазифаси ва мустақил иш топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш; - кўчирмачилик (плагиат) қатъиян ман этилади; - дарсларга қатнашиш мажбурий ҳисобланади, дарс қолдирилган ҳолатда қолдирилган дарслар қайта ўзлаштирилиши шарт;

	<p>- дарсларга олдиндан тайёрланиб келиш ва фаол иштирок этиш;</p> <p>- талаба ўқитувчидан сўнг, дарс хонасига - машғулотга киритилмайди;</p> <p>- талаба рейтинг баллидан норози бўлса эълон қилинган вақтдан бошлаб 1 кун мобайнида апелляция комиссиясига мурожат қилиши мумкин</p>
Электрон почта орқали муносабатлар тартиби	<p>Профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги алоқа электрон почта орқали ҳам амалга оширилиши мумкин, телефон орқали баҳо масаласи муҳокама қилинмайди, баҳолаш фақатгина университет ҳудудида, ажратилган хоналарда ва дарс давомида амалга оширилади. Электрон почтани очиш вақти соат 15.00 дан 18.00 гача</p>

Фан мавзулари ва унга ажратилган саотлар тақсимооти:

№	Мавзулар	Маъруза	Амалий (семинар)	М
1.	Марказий Осиё иқтисодий ва ижтимоий географиясининг предмети, мазмуни, тадқиқот услублари, тарихи ва вазифалари.	2	2	
2.	Марказий Осиё иқтисодиёти асосларининг умумийлиги, уларнинг ягона географик ва тарихий-ижтимоий ривожланиш омиллари. «Туркистон умумий уйимиз».	2	2	
3.	Марказий Осиёда ягона иқтисодий маконнинг яратилиши ва иқтисодий интеграция.	2	2	
4.	Марказий Осиёнинг табиий шароити ва табиий ресурслари.	4	4	
5.	Марказий Осиё аҳолиси ва меҳнат ресурслари	2	2	
6.	Марказий Осиё иқтисодиётининг ҳозирги	2	4	

	ҳолати ва таркиби, муаммолари ва истиқболлари.				
7.	Марказий Осиё саноат географияси.	4	4		2
8.	Марказий Осиё қишлоқ хўжалиги.	4	2		2
9.	Марказий Осиё транспорти.	2	2		2
10.	Марказий Осиё давлатларининг ташқи иқтисодий алоқалари.	2	2		2
Жами		26	26		20

Талабалар билимини баҳолаш тизими:

Назорат тури	Назорат шакллари	Ҳар бир назорат учун белгиланган максимал балл	Назорат сони	Назорат шакллари бўйича белгиланган максимал балл
Жорий назорат	1. Карта билан ишлаш (Оғзаки) 2. Мустақил топшириқлар	2.3 10	13 1	3 1
Жами:			14	4
Оралиқ	1. Оғзаки	30	1	3
Жами:		30	1	3
Якуний назорат	ЯН шакли факультет кенгаши билан келишилиб ректор буйруғи билан тасдиқланади.	30	1	3
Жами:			16	1

Асосий адабиётлар:

1. Асанов А., Набихонов М., Сафаров И. «Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси». Тошкент, Ўқитувчи, 1994.
2. Баҳритдинов Б.А. ва бошқалар. Жаҳон ижтимоий-иқтисодий географияси. Т.: 2008.
3. Баратов П, Маматқулов М, Рафиқов А.

	<p>Ўрта Осиё табиий географияси. Тошкент.: “Ўқитувчи” нашрети, 2002.</p> <p>4. Болтаев М.Ж. Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси Тошкент-2003</p> <p>5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси” 8-10-11 сонлар.</p> <p>6. Пардаев Ғ.Р. Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий география. Т.2006.</p>
<p>Қўшимча адабиётлар:</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Абиркулов Қ. Иқтисодий география. –Т., «Ўзбекистон» 2004. 2. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1998 г. Ташкент, 1999 3. Страны Центральной Азии в современном мире Статистический сборник. Ташкент, 1994 4. Алисов Б, Хореев А. Экономическая и социальная география мира. М. Просвещение, 2001. 5. Ахмедов Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари. Тошкент, «Ўзбекистон» 2007 6. Ўзбекистан Республика Энциклопедияси. Тошкент, «Ўзбекистон» 1997 7. Топхлиев Н. Ўзбекистон республикаси иқтисодиёти. Тошкент, «Ўзбекистон» 1998 8. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши. Тошкент, «Ўзбекистон» 1996 9. www.ziyonet.uz 10. www.nuu.uz 11. www.sonnest.uz 12. www.gov.uz

Назорат саволлари:

1. Марказий Осиё давлатларининг ташқи иқтисодий алоқалари санаб ўтинг.
2. География фанларидан дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва электрон дарсликлар яратиш муаммоларини санаб ўтинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
2. SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. 80 p

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот:

География фанларини ўқитишда педагогик, инновацион ва ахборот технологиялари ҳамда хусусий методикалар.

Ишдан мақсад: География фанларини ўқитишда педагогик, инновацион ва ахборот технологиялари ҳамда хусусий методикаларини ишлаб чиқиш.

Масалани қўйилиши: Тингловчилар ўзлари дарс бераётган предметлари бўйича ўқитиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Ишни бажариш бўйича намуна: ТДПУда яратилган “География ўқитиш назарияси ва методикаси фанининг мақсади ва вазифалари” дарс ишланмаси амалий машғулотлар учун тавсия этилади

1-мавзу	География ўқитиш назарияси ва методикаси фанининг мақсади ва вазифалари
---------	--

1. Кириш машғулотининг технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 25-60 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза, Б.Б.Б. жадвали, муаммоли
Машғулотининг режаси	1. География ўқитиш назарияси ва методикаси, унинг ўрганиш объекти. 2. География ўқитиш назарияси ва методикаси тарихи. 3. География ўқитиш назарияси ва методикасининг тадқиқот усуллари, муҳим вазифалари.
Ўқув машғулотининг мақсади: География ўқитиш назарияси ва методикасининг ўрганиш объекти, мақсади ва вазифалари, ривожланиш	

тарихи, унинг ўзига хос хусусиятлари ва таълимдаги ўрни ҳақида талабаларда аниқ тасаввур ҳосил қилиш.	
<p>педагогик вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - География ўқитиш назарияси ва методикаси, унинг ўрганиш объекти топгрисида маълумот бериш; -География ўқитиш назарияси ва методикаси тарихи ҳақида фикр юритиш; - География ўқитиш назарияси ва методикасининг тадқиқот усуллари, муҳим вазифалари ҳақида фикр юритиш. 	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари:</p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> -География ўқитиш назарияси ва методикаси, унинг ўрганиш объектлари топгрисида билиб олади; -География таълимининг ривожланиши тарихи ҳақида маълумотлар олади; -География ўқитиш назарияси ва методикасининг тадқиқот усуллари, унинг муҳим вазифаларини билиб олади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Кириш маърузаси, кластер, Б.Б.Б. жадвали, муаммоли
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, доска, бўр.
Ўқитиш шакли	Фронтал, жамоа, гуруҳий.
Ўқитиш шароитлари	Табиий география кабинет.

Машгулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машгулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Еришадиган натижалар билан	1.1. Ешитадилар ва ёзиб оладилар.

	таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини еплон қилади.	
2-босқич. Асосий (60 мин)	<p>2.1. Талабалар етиборини режадаги саволлар ва улардаги тушунчаларга қаратадилар.(1-илова) Блиц-сўров ўтказди (2-илова).</p> <p>2.2. Билимларни янада аниқлаштириш мақсадида Б.Б.Б. жадвалини дафтарга чизишни таклиф этади (4 илова). Доскага чиқаради.</p> <p>2.3. Муаммоли саволларни ўртага ташлайди ва уларни биргаликда ўқишга чорлайди:</p> <p>1.Методика деганда нимани тушунасиз?</p> <p>2.География ўқитиш методикасининг объектлари ҳақида нималар биласиз?</p> <p>Бу саволларга жавоб бериш учун аввал талабаларга методика, педагогика, дидактика сўзларининг маъноси ҳақида маълумот берилади (3-илова).</p> <p>2.4. Муаммони ҳал қилиш учун қуйидаги саволларга аниқлик киритади:</p> <p>1. География ўқитиш методикаси қайси фанлар тизимига киради ?</p> <p>2. педагогика фани қандай тармоқларга киради?</p> <p>3. География ўқитиш методикаси қайси бўлимлари мавжуд?</p> <p>4. Хусусий методиканинг вазифаси?</p> <p>5. Билим назарияси қандай назарий ва амалий муаммоларни тадқиқ қилади?</p> <p>География ўқитиш методикаси ва</p>	<p>2.1. Талабалар жавоб берадилар, дафтарларига жадвални чизадилар, 1 ва 2 устунларини топлдирадилар.</p> <p>2.2. Муаммога етиборни қаратадилар ва ёзиб оладилар.</p> <p>2.3. Ёзиб оладилар ва ўз билимлари билан солиштирадилар.</p> <p>2.4. Муаммо юзасидан ўз ечимларини таклиф қиладилар. Мунозара қиладилар. Жавоб берадилар.</p> <p>2.5. Ўтималь ечимлар юзасидан таклифлар берадилар. Б.Б.Б. жадвалининг 5-устунини топлдирадилар.</p>

	педагогика бўйича 5-илова ёрдамида жадвал тузиш. Визуал материалларни илова қилиш.(6-10- иловалар)	
3-босқич Якуний (10 мин)	3.1. Мавзуга хулоса қилади. 3.2. Режадаги натижага еришишда фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. 3.3. Мустақил иш учун вазифа беради: «География ўқитиш методикаси тарихи» мавзусида эссе ёзишни топширади.	3.1. Ешитадилар, ўзларини топгилайдилар. Ёзиб оладилар.

1-илова.

1. География ўқитиш методикасининг тадқиқ қиладиган назарий ва амалий муаммолари.
2. География ўқитиш методикасининг икки муҳим вазифаси

2-илова

Блиц-сўров саволлари

1. География ўқитиш методикаси қайси фанлар тизимига киради ?
2. Педагогика фани қандай тармоқларга киради?
3. География ўқитиш методикаси қайси бўлимлари мавжуд?
4. Хусусий методиканинг вазифаси?

3-илова

Тушунчаларга таъриф беринг.

Методика....


педагогика....

Дидактика....

Усуллар.....

Б.Б.Б. техникаси

	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
	2	3	4	5
	Метод			
	Методика			
	Педагогика			
	География ўқитиш методикасининг ўрганиш объекти			
	Дидактика			
	Кўникма			
	Малака			
	Билим			



Визуал материаллар

География ўқитиш методикаси педагогика фанлари таркибига киради. Бу фан мактабларда табиий ва иқтисодий география асосларини ўқитиш жараёнини ўрганади. У умумий дидактика билан боғланган. Дидактика-

таълимнинг мазмунини, ўқув жараёнини ва тарбиянинг асосий қонуниятларини ўрганадиган назарий фандир. Аммо у алоҳида фанларни ўқитиш жараёни билан шуғулланмайди. Алоҳида фанларнинг ўқитиш методикаси билан махсус педагогика фанлари шуғулланади. Педагогика киши тарбияси ҳақидаги фандир. Тарбия моҳиятини, мақсадларини, вазифаларини ва қонуниятларини, таълим жараёни қонуниятларини аниқлаб беради. педагогика тарбия назариясини, дидактика ва мактабшуносликни ўз ичига олади. педагогика фани қуйидаги тармоқларга бўлинади: а) мактабгача ёшдагилар педагогикаси; б) мактаб педагогикаси; в) хунар-техника таълими педагогикаси; г) олий таълим педагогикаси; д) ҳарбий педагогика; ж) педагогика тарихи.

7-илова

География ўқитиш методикаси умумий ва хусусий бўлимлардан иборат. Умумий методика ўз навбатида табиий ва иқтисодий географияни ўқитиш методикасига бўлинади. Хусусий методика асосан мактаб географиясининг алоҳида курсларини ўқитиш усуллари билан шуғулланади.

Умумий методика - бу географиянинг дидактикасидир, яъни унинг умумий назарий қисми бўлиб, география ўқитиш жараёнини умумий масалалари билан шуғулланади. Умумий методика назарий ва методологик муаммоларни ўрганади-яъни предметнинг ўзини, логикасини ва илмий текшириш усулларини ўрганади, асосий ептиборни ўқув-тарбия муаммоларини ишлаб чиқишга қаратади.

Хусусий методика-алоҳида курсларни ўқитиш методикаси билан шуғулланади, умумий назарий усулларни алоҳида курсларни ўқитиш жараёнида қўллаш муаммолари билан шуғулланади. Хусусий методика асосан алоҳида курслар бўйича ўқув-тарбия жараёнларини ўрганади, алоҳида курсларни мазмуни ва тузилишини ишлаб чиқади.

8-илова

Билиш назарияси география ўқитиш методикасининг методологик асосини ташкил қилади ва қуйидаги назарий ва амалий муаммоларни тадқиқ қилади;

- * илмий тадқиқот усуллари ва фаннинг предмети;
- * чет элларда ва Ўзбекистонда география таълими;
- * география ва унинг алоҳида курслари бўйича ўқитишнинг мақсади ва

вазифалари;

- * география билимларни егаллашда таълим ва тарбиянинг бирлиги;
- * ўқувчиларда географик билим, кўникма, малака ва дунёқарашни

шакллантириш;

- * география таълими жараёнининг қонуниятлари.

* география ўқитишнинг мақсади: География ўқитишнинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

География ўқитишнинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- * география таълимининг мазмуни;
- * география ўқитишнинг усуллари;
- география таълимини ташкил қилиш;
- ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва билиш имкониятларини етиборга олиш;
- * география таълимининг натижалари ва ҳоказо.

9-илова

География ўқитиш методикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- хар бир мактаб география курсининг синфлар бўйича мақсади, мазмуни ва аҳамиятини белгилаш, улар мазмунини такомиллаштириш;
- * ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзлаштиришга имкон берадиган таълим йўллари аниқлаш;
- * ўқувчиларга амалий кўникма ва малакаларини сингдириш имкониятларини аниқлаш;

* таълим жараёнида ўқувчилар фаолиятини оширадиган ва мустақиллигини тапминлайдиган самарали усулларини аниқлаш;

* география фанининг умумий ва политехника таълим. тизимидаги, ўқувчиларни меҳнатга ўргатиш, уларга ахлоқий, эстетик тарбия бериш вазифаларини очиб бориш;

• таълимнинг ташкил этиш турларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

• синалган усулларни такомиллаштириш;

• дарслик ва бошқа ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

* курслар бўйича ўқув қуролларига бўлган талабларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш методикасини яратиш;

* факултатив курслар дастурларини яратиш.

10-илова

География ўқитиш методикасининг икки муҳим вазифаси мавжуд:

Мактаб географиясининг таълимий ва тарбиявий мақсадларини очиб бериш, ҳамда мактаб географиясининг мазмунини такомиллаштириш. Мазкур вазифа қуйидаги қисмлардан иборат:

* ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш учун зарур бўлган ўқув материалларини аниқлаш;

* мактаб география предметларини илмий асосини нима ташкил қилинишини аниқлаш;

* замонавий фаннинг юқори даражада ривожланишини ўқувчиларнинг ўзлаштириш имкониятлари билан боғлиқлигини аниқлаш;

* асосий ва факултатив география курсларини ўқитиш жараёнида қандай кўникма ва малакалар шакллантиришни аниқлаш;

* мактаб география курсларини мақсади, мазмуни ва ахамиятини аниқлаш;

* дарслик ва хрестоматияларга қандай материалларни киритиш зарурлигини аниқлаш;

* географиядан дарсдан ташқари ишлар мазмунини аниқлаш.

География таълимини ташкил етишнинг шакллари аниқлаш ва асослаб бериш:

* таълим жараёнида турли хил ўқитиш методлари ва усуллари қўлланишнинг зарур шарт-шароитларини аниқлаш;

* ўқув қуролларини ишлаб чиқиш;

* ўқув қуролларидан ўқитиш жараёнида фойдаланишнинг усуллари ишлаб чиқиш;

* синфдан ташқари ишларни шакллари ва усуллари аниқлаш.

Илова 11.

Изланишларда турлича ҳолатлар бўлиб уларда индуктив ва эмперик методлар қўлланилади. Бу эса назарий жихатдан мавжудлигини белгилаб беради.

Талабалар томонидан қўлланиладиган статистик маълумотлар ва уларнинг таҳлиллари ўзаро боғлиқликни белгилаб беради. Турли мамалакатлардаги ижтимоий ҳолатлар бунинг назарий жихатларини аниқлашга ёрдам беради. Аммо кўплаб географик изланишларда буни кўрсатиш анча қийин ва кўплаб маълумотлар талаб қилади.

Жуда кўп лойихалар макон ва ундаги ўзгаришларга қаратилган ва уларнинг шакли ва бажарилиши турли омилларга боғлиқ бўлади. Иккиламчи маълумотларни қўлашда ҳам махсус-специфик саволлар пайдо бўлади.

Биринчидан, тадқиқотларнинг бошқач олиб бориш, яъни иккиламчи маълумотлардан фойдаланмаслик имкони йўқ. Ишларни тез олдиб бориш учун ҳар бир мактабга бориш керак эмас ва бунинг хожати ҳам йўқ.

Иккинчидан, аҳоли ёки бошқа маълумотларни қўлашда такрорланиш кузатилиши мумкин. Кўплаб маълумотлар бир-бирини такрорлайди ва уларда муаммолар пайдо бўлади. Бу ҳолат айниқса аҳолини руйхатга олишда кузатилади (аҳоли ўсиш даражаси паст ёки салбий).

Учинчидан, иккиламчи маълумотлардан фойдаланишда ўхшашлик бўлмаслиги. Бу ҳолатларда маълумотлар корреляция қилинади ва ишларда

оддий традицион усуллар қўлланилади ва улур жуда қийин, мураккаблашиб боради.

Тўртинчидан, жуда бой иккиламчи маълумотларга эга бўлиш имкони бўлсада уларни олиш муаммоси мавжуд (Дорлинг ва Симпсон, 1999). Тадқиқотчи регионал ёки маҳаллий маълумотларга эга бўлиши мумкин, лекин айрим мамлакатларда улар йўқ, пуллик ёки ёпиқ бўлади. Бундай ҳолатларда маълумотлар корреляцияси хавфли даражадаги ўзгаришларга. Хатоликларга олиб келиши мумкин ва улардан эҳтиёт бўлиш керак.⁹

Назорат саволлари

1. Географиядан дарсдан ташқари ишлар мазмунини аниқланг.
2. География таълимини ташкил етишнинг шаклларини аниқлаш ва асослаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
2. SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. 80 p

⁹ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 98p

2- амалий машғулот:

География фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.

Ишдан мақсад: География фанларини ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш учун ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш.

Масалани қўйилиши: Тингловчилар ўзлари дарс бераётган предметлари бўйича маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини ўқитиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Ишни бажариш бўйича намуна: ТДПУда яратилган “Билим, кўникма ва малакалар, қўйиладиган талаблар ва шакллантириш методикаси” мавзусида маъруза машғулотларини дарс ишланмаси.

1-мавзу	Билим, кўникма ва малакалар, қўйиладиган талаблар ва шакллантириш методикаси.
----------------	---

Машғулотининг технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 25-60 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборот, визуал маъруза, Б.Б.Б. техникасидан фойдаланган ҳолда
Маъруза машғулотининг режаси	1. Билим турлари, тушунча. 2. Қонуният, назария, тасаввур. 3. Кўникма, малака
Ўқув машғулотининг мақсади: Билим ва унинг турлари, тушунчалар ҳақида маълумот бериш, Назария, қонуният, тасаввур ларни, кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг аҳамиятини ёритиш.	
Педагогик вазифалар: - Билим ва унинг турлари, тушунчалар ҳақида маълумот бериш; - Назария, қонуният, тасаввур ларни, кўникма ва малакаларни	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: Билим ва унинг турлари, тушунчалар ҳақида маълумотларга ега бўлиш; - Назария, қонуният, тасаввур ларни, кўникма ва малакаларни

шакллантиришнинг аҳамияти, шакллантириш босқичлари, усуллари ҳақида тушунча бериш.	шакллантиришнинг аҳамияти, шакллантириш босқичлари, усуллари ҳақида тушунчага ега бўлишлари лозим.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Маъруза, визуаллаштириш, ақлий ҳужум, муҳокама, блиц-сўров, Б.Б.Б. жадвали.
Ўқитиш шакли	Фронтал, алоҳида, жамоа бўлиб ишлаш, жуфтликда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Конспект, слайдлар, ўқув материаллари, проектор, информацион таъминот.
Ўқитиш шароитлари	Намунадаги аудитория..

Машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (5 мин)	1.1. Мавзу унинг мақсади, ўқув машғулотида кутилаётган натижалар ва уни ўтказиш режасини маълум қилади.	1.1. Ешитадилар, ёзадилар.
2-босқич. Билимларни Фаоллаштириш (15 мин)	2.1. Экранга Б.Б.Б. жадвалини чиқаради ва унга изоҳ беради (1-илова). Топшириқ беради: ҳамма жадвални чизиб олсин ва маъруза режаси бўйича 2-устунни топлдирсин. Талабаларни жуфтликка ажралишлари сўралади, саволлар бўйича алоҳида фикр юритиш ва жуфтликда муҳокама қилиш ва жавоб бериш тавсия етилади. 1) Билим нима? 2) Кўникма ва малака нима? 3) Сизнинг фикрингизча география таплымига қандай талаблар қўйилади? Блиц-сўров ўтказди.	2.1. Жадвални чизади ва 2-устунни топлдиради. Жуфтликка ажраладилар, саволларни муҳокама қиладилар ва жавоб берадилар. Б.Б.Б. жадвалининг 3 ва 4-устунларини топлдирадилар.

	<p>Б.Б.Б. жадвалининг 3-ва 4-устунларини топлдириш бўйича топшириқ беради. Маъруза матни ва ўз нуқтаи назаридан мавзу бўйича жуфтликларда муҳокама қилиш ва саволларга жавоб беришни таклиф этади. Блиц-сўров ўтказади.</p>	
<p>3-босқич Асосий (55 мин)</p>	<p>3.1. Конспектни тарқатади (2-илова). Маъруза ўқийди, визуал материаллардан фойдаланади. Тушунтириш жараёнида мавзу бўйича билим, кўникма, малака, қонуният, назарияга оид маълумотларни ўртага ташлаб, ептиборни жалб етувчи ва муаммоли саволлардан фойдаланади (3-илова). 3.2. Топшириқ беради. Б.Б.Б. жадвалининг 5-устунини жуфтликда муҳокама қилган ҳолда топлдиришларини сўрайдилар. (4-7 иловалар) Блиц сўров ўтказади.</p>	<p>3.1. Ештадилар, муҳокамада иштирок этадилар. 3.2. Б.Б.Б. жадвалининг 5-устунини жуфтликда муҳокама қилган ҳолда топлдирадилар.</p>
<p>4-босқич Яқуний (5 мин)</p>	<p>4.1. Маърузага яқун ясайди, ўқув фаолияти натижаларини умумлаштиради, олинган билимларнинг келажак учун аҳамиятини айтиб ўтади. 4.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради: Барча типдаги кўникмаларни шаклланишида картанинг ўрнини аниқлаш.</p>	<p>4.1. Ештадилар ва топшириқни ёзиб оладилар</p>

Ўқув материаллари

1-илова

Б.Б.Б. техникасини қўллаш бўйича кўрсатма

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни топлдиринг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал етинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни топлдиринг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал етинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни топлдиринг.
4. Маърузани ешитинг.
5. 5-устунни тўлдиринг

2-илова

Б.Б.Б. жадвали (биламан, билишни хоҳлайман, билдим)

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1	2	3	4	5
1	Билим нима?			
2	Кўникма			
3	Малака			
4	Д.Т.С талаблари			
5	Дастур			
6	Назария			
7	Қонуният			
8	Тасаввур			

3-илова

1. Билим турлари, тушунча,
2. Қонуният, назария, тасаввур.
3. Кўникма, малака.

ДИДАКТИК ЎЙИНЛИ ДАРСЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



Дидактик ўйинли дарслар	Мавзу мазмуни қандай бўлганда мазкур дарсдан фойдаланилади	Дарсларнинг дидактик функциялари	Ўқувчининг фаолияти
Сюжетли-ролли	Фаннинг турли соҳаларида қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш, табиатдаги ва кундалик ҳаётдаги муаммоларни ҳал этиш имконияти бўлганда	Кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат объектлари ва табиий ҳодисалар ўртасидаги алоқалар ва боғланишларни адабий-бадиий тарзда ёритиш	Муайян ролларни бажариш орқали билим, кўникмаларни егаллаш
Ижодий ўйин	Аввал ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ривожлантириш имконияти бўлганда	Муаммоли вазиятларни аввал ўзлаштирган билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш орқали ҳал этиш.	Ижодий изланиш орқали янги мавзунини ўзлаштиради
Аукцион	Турли объектларга тавсиф бериш, уларни таққослаш имконияти бўлганда	Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида ўқувчиларнинг дунёқараши кенгайтириш, касбга йўллаш.	Аукционда иштирок этиш орқали янги мавзунини ўзлаштирилади
Конференция	Фаннинг турли соҳаларига оид билимлар мужассамлашган ва қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга	Кўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш, ёшларни	“Олимплар” мақомини олиб муайян мавзуларда изланиш олиб боради.

	ошириш имконияти бўлганда	мустақил ҳаётга тайёрлаш, касбга йўллаш	
Матбуот конференцияси	Фаннинг турли соҳаларини қамраб олган, ўқувчиларнинг аввал ўзлаштирган билимларидан фойдаланиш лозим бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, дарслик, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш.	“олим” ва “мухбир”лар мақомини олиб мавзунини ўзлаштиради.

5-илова

Саволлар

1. Билим нима ?
2. Билимлар қандай турларга бўлинади ?
3. Тушунча нима ва унинг турлари ?
4. Қонуният нима ?
5. Кўникма нима ? У қандай ҳосил бўлади ?
6. Малака нима ? Қайси жиҳати билан кўникма ва билимдан фарқ қилади ?

Назорат саволлари:

1. Билим турларига таъриф беринг.
2. Кўникма ва малакаларга таъриф беринг

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography SAGE Publications Asia-P

3-амалий машғулот:

География таълимида табиий ва иқтисодий-ижтимоий йўналишлар.
География фанларини ўқитишда анъанавий, картографик, географик-
тарихий, геоэкологик ва замонавий педагогик технологиялардан
фойдаланиш.

Топшириқлар


1. Блиц саволларга қисқа жавоб қайтаринг.
2. География фанлар тизимини қисмларга ажратган ҳолда кластер

тўзинг

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Табиий география нимани ўрганади?
2. Иқтисодий география нимани ўрганади?
3. Картография нима?
4. Геоэкология нима?
5. География фанлар тизими қандай қисмларга ажратилади?

2.Кластер тўзинг



3. Жадвалда берилган маълумотлар асосида тўғри жавоб жуфтлигини аниқланг.

№	Саволлар	Якка жавоб	Тўғри жавоб	Сизнинг ҳаракатингиз
1.	Фан мақсад ва вазифаларни			Сиёсий ва ҳарбий, тиббий, рекреация ва туризм, инженерлик, географик башорат,

				мелиоратив ва хизмат кўрсатиш географиялари
2.	Табиий фанлар тизими			Тоғ жинслари, сувлар, ҳаво, тирик модда
3.	Техника фанлари тизими			одамзоднинг мавжудлигидир
4.	Ижтимоий фанлар тизими			геодезия ва картография, машинасозлик
5.	Табиий фанлар олдида турган асосий вазифалардан бири			Географик қобик
6.	Умумий Ер билимининг ўрганиш объекти			математика, физика, химия, география, кимё, биология ва геология
7.	Махсус география фанлар тизими			Тарих, фалсафа
8.	Географик қобикнинг таркибий қисмлари			Географик қобик табиатини бир бутун ҳолда ўрганиш
9.	Географик қобикнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим хусусияти			объектив борлиқни бошқаришни усуллари ва йўллари ишлаб чиқиш. Борлиқ ҳақидаги билимларни ишлаб чиқиш ва уларни назарий жиҳатдан тартибга солишдир.
10.	Табиий географиянинг асосий мақсади			фанлараро аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ишлаб чиқишдир.

Назорат саволлари:

1. Фан нима?
2. Фанлар тизими қандай қисмларга ажратилади?
3. Фан нима учун тизимга ажратилапти?
4. География фанлар тизими қандай қисмларга ажратилади?

5. Нима учун фанлар тизими шартли равишда қисмларга ажратилади?
6. Табиий география фанлар тизимига қайси фанлар киритилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ата-Мирзаев О.Б. О современной системе географических наук. «Амалий география» фанининг долзарб назарий ва амалий масалалариқлим – Т.: 2008.
2. Баратов П. Умумий табиий география. –Т.: 2010.
3. Зокиров Ш.С, Тошев Х. Ландшафтшунослик. – Т.: 2013
4. N.Castre, A.Rogers, D.Sherman. Questioning Geography: Fundamental Debates. USA 2005.

4- амалий машғулот:

География фанларини ўқитишда ўқув ахборотини қайта ишлаш (конструкциялаш), муаммоли савол, Кейс-стади топшириқлари. Ўқитиш жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, талабаларда ижтимоий фаоллик, онглиликни таркиб топтириш.

Ишдан мақсад: Инновацион технологиялардан намуна сифатида кейс-стади технологиясини ишлаб чиқиш.

Масаланининг қўйилиши: таниловчилар ўзларининг фанлари бўйича кейс-стади топшириқларини ишлаб чиқиш.

Ишни бажариш учун намуна:

Кейслар билан ишлаш бўйича амалий намуна

“Инсоннинг табиатга таъсири турлари” мавзуси бўйича кейс-стади технологияси

Педагогик амалиёт даврида касб-хунар коллежларида Амалий география фанини ўқитишда кейс-стади технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу технологияни амалда самарадорлигини аниқлаш мақсадида Амалий география курсининг асосий бўлимларини имкон борича кейс - стади технологияси (методи) асосида лойихалаштирилди, натижалар умумлаштирилди ва хулосалар қилинди. Бундан ташқари географияда кенг қўлланиладиган дала амалиётлари ва уларда турли методлар қўлланилади. Уларда қўлланиладиган усуллар маълум даражада эскиргани айрим талаблар эса қайта ишлаб чиқилиши лозим. Бу борада чет эл таълим тизимида дала амалиётларива уларга қўйиладиган айрим талаблар билан танишиб чиқсак. Қуйида унга, АҚШ ва буюк Британия таълим тизимитдаги ҳолатлар мисол бўла олади. *Дала амалиётлардаги энг муҳим омил – бу оби-ҳаво шароити, яъни иқлимдир. Унинг ўзгариши турли хавфларга олиб келади: офтоб уриши, совуқ олиши, сувсизлик, гипотермия ва бошқ. Олдиндан бу ҳолатдарни билиш кўплаб хавфларни олдини олишга ёрдам беради. Бундай маълумотлар кўплаб давлатларда бор ва улардан унумли фойдаланиш керак. Бу борада айниқса маҳаллий хизмат органларидан фойдаланиш керак.*

Дала амалиётларида маҳаллий динлар ва урф одатлар ҳақидаги маълумотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу турли кераксиз бўлган зиддиятларни олдини олишга ердам беради ва инсонлар билан муносабатлар яхши бўлади. Бу ҳолатда сизга маҳаллий аҳоли лойихангизни ёки амалиётни ўтказишда ердам бериши ҳам мумкин. Сиз маҳаллий аҳоли ва хизмат органларини ҳурмат қилишингиз, атроф муҳит сақлашингиз, кийинишингизни ҳам уларнинг маданияти ва урф одатларига мослаштиришингиз ҳам керак бўлади. Яхши карта ва олдиндан белгиланган маршрутлар ҳам катта ердам беради.

Олдиндан жой ҳақидаги маълумотлар езиб олиш, маҳаллий шароитларни билиш, жихозлар ва кийимлар тайёрлаш (ботинкалар, шляпа, кўзойнак, сув идиши, узун енгли кўнак ва х.к.) сизнинг соғлигингиз ва хавфсизликни таъминлайди.

*Кўплаб давлатлар веб-сайтлари етарли даражада маълумотлар билан саёхатчиларни бундай маълумотлар билан таништиради. Айниқса бу зарурий турли касаликларга қарши эмлашлар билан боғлиқ. Бундан ташқари сиз маҳаллий сиёсий жараёнлар билан ҳам танишишингиз керак, чунки бундай маълумотлар сизни кераксиз бўлган вазиятлардан сақлайди. Бу борада маҳаллий газеталар ҳам катта аҳамиятга эга. Агарда бу нарса бўлмаса сиз мамлакат ваколатхонасига мурожаат қилишингиз керак. Улар сизни барча хавфлардан хабардор қилиб туриши мумкин. Бундан сиз кўплаб туристлар учун чиқариладиган маълумотномалардан ҳам олишингиз мумкин.*¹⁰

Маъруза ва амалий машғулотларни кейс стади технологияси асосида лойихалаштиришга ва география ўқитиш жараёнида кейс - стади элементларидан фойдаланиш. Машғулотларда муамоли ва амалий вазиятларни юзага келтириш ҳамда уларни ҳал қилишга ўқувчиларни йўналтириш орқали

¹⁰ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 74p

кейс-стади дан фойдаланишни маълум даражада йўлга қўйиш. Кейс-стади қўллашдаги қатор қийинчиликлар Булар:

- ҳар бир машғулоти бошладан олдин кейс-стади тузиш яъни муаммоли амалий вазиятни ҳосил қилишда;

- ўқувчиларни кейс -стадини ҳал қилишга бағишланган баҳс мунозарада тўлақонли иштирокини таъминлашда;

- ўқувчиларнинг ҳар бир амалий муаммо бўйича ўз фикр мулохазаларини мустақил ва эркин баён қила олишларида намоён бўлди.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики ўқувчиларни кейс-стади асосида ишлашга мунтазам ва узлуксиз равишда йўналтириб, шакллантириб бориш зарур экан, бу нафақат география фани ўқитувчиларини балки, барча предмет ўқитувчиларини ҳамкорликда ўзаро боғлиқликда фаолият юритишларини тақазо қилар экан.

Қуйида “Инсоннинг табиатга таъсири турлари” мавзусида таёйрланган кейс-стадини келтирамиз.

1. Мавзунинг педагогик аннотацияси

Ўқув предмети: Амалий география.

Мавзу: Табиат ва жамият

Кейснинг асосий мақсади: Инсоннинг табиатга таъсири турлари: бевосита ва билвосита таъсир, табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш, барқарорлаштириш, сақлаш ва бойитиш ҳар бир кишининг бурчи эканлиги тўғрисида тушунча бериш.

Ўқув фаолиятдан кутиладиган натижалар:

- Инсоннинг табиатга таъсири турлари: бевосита ва билвосита таъсир оқибатларини тушунтириб бериш;
- Табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш мезонларини аниқлаш;
- Мавзунинг ўрганиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ва уларни ечишда назарий билимларини қўллаш;
- муаммони аниқлаш ва ечишда оптимал методларни танлаш.

Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан талабалар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлмоқлари зарур:

Ўқувчи билиши керак: Бевосита ва билвосита таъсир, табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш, барқарорлаштириш. Сақлаш ва бойитиш, табиатни эъзозлаш ва муҳофаза қилиш ҳар бир кишининг бурчи эканлиги.

Ўқувчи амалга ошириши керак: мавзунини мустақил ўрганади; муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради; тушунчаларни аниқлаш ва тизимга солиш, тегишли адабиётлар орқали олган билимларидан мантиқий хулоса чиқариш, таҳлил қилиш ва зарур билимларни ўзлаштириш;

Ўқувчи эга бўлмоғи керак: коммуникатив кўникмаларга; тақдирот кўникмаларига; ҳамкорликдаги ишлар кўникмаларига; муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиш кўникмаларига.

2. Манбалардан фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

Асосий адабиётлар ва ўқув қўлланмалар:

1. Алимқўлов Н.Р., Абдуллаев И.Ҳ., Ҳолмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.
2. Абдуллаев И.Ҳ. ва бошқ. Маъмурий география. – Т.: 2014.
3. Абдуллаев И.Х. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. ЎУМ, ТДПУ, 2014
3. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. Т., Ўқитувчи.Т., 1997.
4. Ғуломов П.Н. География ва табиатдан фойдаланиш. Т., Ўқитувчи. Т., 1985.
5. Ғуломов П.Н. Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишнинг географик асослари. Т., Университет. 1990.

3. Технологик хусусиятлардан келиб чиққан холда кейснинг тавсифномаси: Мазкур кейснинг асосий манбаи намунавий дастурдаги асосий адабиётларни таҳлил қилиш асосида баён этилган. Кейснинг асосий объекти шахсга йўналтирилгандир. Бу ташкилий институционал кейс бўлиб, маълумотлар вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача, тизимлаштирилган бўлиб, тренингга мўлжалланган ўқув мавзу бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган.

5- амалий машғулот:

География фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.

Ишдан мақсад: География фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Масаланининг қўйилиши: География фанларини ўқитишда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ишни бажариш учун намуна: География фанларини ўқитишда мустақил таълимни ташкил қилиш.

География фанларида мустақил таълим ва уни ташкил қилиш масалалари кенг жорий қилинган ва ишлаб чиқилган. Мустақил ишларни ўтказишнинг услуб ва усуллари, воситалари ўқув материали, топшириқларни бажарилиш мақсадига қараб, турли хил бўлади. Масалан, таянч билимларни қайта тиклаш (рэпродуктив)га оид топшириқлар кўпинча янги материални ўрганиш олдида бажарилади. Бундай топшириқлар география дарсликларида, дээрли ҳар бир мавзу (параграф) олдида бериб борилади. Одатда Олий ўқув юрти география дарсларида бу топшириқлар дарс жараёнида бажарилмайди ва талабаларга уй вазифасига қўшимча тарзда берилади. Аслида бу топшириқларни бажариш муҳим бўлиб, янги материални ўрганиш жараёнида таянч билимларни қайта тиклаш орқали илгари эгалланган билимлар янги ўрганилаётган билимлар билан узвий боғланиб бориши лозим.

Олий ўқув юрти география курсларида талабалар жуда кўп мавзули (тематик) карталар билан ишлайдилар. Карталар билан ишлаш ва уларни қиёслашда картографик тушунча (географик кенглик ва географик узунлик, кутбий доиралар, троик доиралар, экватор ва бошқалар), кўникмалар (географик координаталарни аниқлаш, картада ориентрлаш, берилган нуқталар оралиғини аниқлаш, картада масофани ўлчаш ва бошқалар)ни талабалар хотирасида тиклаш талаб этилади. Талабаларни тематик карталарни ўқий олишга, карталардаги географик объект ва ҳодисаларни таҳлил қила олишга,

картадан билим манбаи сифатида мустақил фойдалана олишга ўргатиб бориш лозим.

Объект ва ҳодисаларга карта асосида тавсиф бериш учун талабалар билан дастлаб унинг режасини кўриб чиқиш ва режа (план) пунктларини бажариш бўйича услубий кўрсатма (ёл-ёриқлар) бериш талаб этилади. Масалан, объектнинг географик ўрнини белгилаш учун уни картадан топиш, экватор ва бош мэридианга нисбатан ўрни яъни, координатасини белгилаш ва материкнинг қайси қисмида жойлашганлигини аниқлаш кэрак. Тоғ тизмалари ва дарёларнинг ёъналишларини картографик топрлар, узунлигини эса масштаб ёрдамида аниқланади. Жойнинг баландлиги картадаги баландлик шкаласи ёрдамида, ҳаво ҳароратлари (ўртача ойлик ҳарорат, максимал ҳарорат, минимал ҳарорат), ёғинлар миқдори ва уларнинг мавсумлар бўйича тақсимланиши иқлим карталаридан белгиланади. Талабаларда ушбу кўникмаларни ҳосил қилиш орқали мустақил ишларни ташкил этишга замин яратилади.

География фанларидан масалалар ечиш жараёнини ташкил этиш.

Юқоридаги кўрсатмалар ва тайёргарликлардан сўнг ўқув иш усулларини ўрганиб олгач, талабалар мустақил ишни бажаришга киришишлари мумкин. Ҳозирги техника ва технологиялар жадал суръатлар билан ривожланаётга бир вақтда География таълимида мустақил ишларни ташкил этиш воситалари ҳам такомиллашиб, ўзгариб бормоқда (схема-1)

География таълими жараёнида мустақил ишлар асосан янги материални ўрганишда ва ўтилган мавзунини мустаҳкамлашда янги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этилади. Дарс жараёнида ўқитувчи раҳбарлигида янги материалнинг муайян қисмини ҳам талабалар мустақил ўрганишлари ҳам мумкин.

Схема-1. Олий ўқув юрти география таълимида мустақил ишларни ташкил этиш воситалари.



Жамият тараққиёти, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда, Олий ўқув юртида эгалланган билимлар кўп ўтмай эскириб қолиши ҳеч гап эмас. Бинобарин, меҳнат фаолияти давомида ўз билимларини муттасил топлдириб, бойитиб бориш тақозо этилади. Бунга муттасил равишда ўз билимларини топлдириб, бойитиб бориш, ўз устида мустақил ишлаш билангина эриши мумкин.

Синаб ўтилган ўқув тарбия шаклларининг ҳеч бири универсал эмас. Бири иккинчисини ўрнини боса олмайди. Уларнинг ҳар бирини ўз ўрни бор, ўзига

хос аҳамиятга эга. Шу билан бирга улар бир – бирига боғлиқ, бири иккинчисини мантиқий кетма – кетлигини тақозо этади.

Назорат саволлари:

1. География фанларини ўқитишда мустақил таълим қандай ташкил қилинади
2. География фанларидан масалалар ечиш жараёнини тушунтириб беринг.
3. География фанларидан ўқув ва тест топшириқларини тайёрланг

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
2. SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 80 p

6-амалий машғулот:

География фанларини ўқитишда талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмларини, рейтинг тизимида қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш.

Ишдан мақсад: география фанларини ўқитиш жараёнида стандарт ва ностандарт тест топшириқларидан фойдаланиш методикаси.

Стандарт тестлар мазмуни бўйича репродуктив ва продуктив даражада, таркиби жиҳатидан тест топшириғи саволи ва тўғри ва нотўғри жавоблардан иборат бўлса, ностандарт тестлар ўзининг мазмуни, тузилиши ва қўлланиш мақсадига кўра муайян даражада фарқ қилади.

Ностандарт тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Интегратор тестлар;
2. Адаптив тестлар;
3. Мезонли-мўлжал олиш тестлари.

Интегратор тестлар интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб боровчи, таълим муассасасининг битирувчисининг тайёргарлик даражаси ҳақида умумлашган якуний хулоса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади.

Адаптив тестлар автоматлаштирилган, талабаларга нисбатан индивидуал ёндошиш имконини берадиган, топшириқ мазмуни, бажариш тартиби, қоидаси, шу топшириқни бажариш натижасида талабанинг эгаллаши мумкин бўлган бали ва тест натижаларини умумлаштириш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлади.

Адаптив тестларнинг асосий гуруҳини пирамидали адаптив тестлар ташкил этиб, қўлланиш мақсадига кўра: ўртача оғирликдаги, талабанинг танлашига кўра аралаш, топшириқлар банкидан фақат қийин даражали бўлиши мумкин.

Адаптив тестлар таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг модуль-кредит парадигмасида муваффақиятли қўлланиши мумкин. Бунинг учун

педагог битта мавзу, боб, бўлим, курс мазмуни бўйича турли қийинчилик даражадаги бир неча вариантли тест топшириқларини тузиш ва амалда қўллаш маҳоратига эга бўлиши лозим.

Мезонли-мўлжал олиш тестлари талабаларнинг умумий тайёргарлик даражаси, мазкур курснинг ўқитилиш сифати, педагогнинг педагогик маҳорати, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Мазкур тест топшириқларини тузиш учун аввало ўқув курси мазмуни ДТС асосида таҳлил этилади, билим, кўникма ва малакалар аниқланади, уларни аниқлаш учун топшириқлар мажмуаси тузилади, мазкур топшириқлар тест топшириқларига айлантирилади ва синов ўтказилади, пировар натижада талабаларнинг шу курсни ўзлаштириш даражаси юзасидан хулоса тайёрланади.

Мезонли-мўлжал олиш тест синовлари орқали талабаларнинг билимларидаги бўшлиқлар аниқланади ва уларни бартараф этиш йўллари аниқланади.

Юқорида қайд этилган ностандарт тест топшириқларини таълим-тарбия жараёнида мақсадга мувофиқ фойдаланиш жараёни талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини ҳаққоний ва одилона назорат қилиш ва баҳолаш имконини беради.

Ностандарт тест топшириқларини тайёрлашда мазмун ва шакл асосий ўринни эгаллайди.

Амалий машғулот давомида тингловчилар томонидан бажариладиган топшириқлар юзасидан методик кўрсатма

1. Тест топшириғининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талабларни ўрганинг.

2. Тест топшириқларининг қийинлик даражасига кўра ўзингиз ўқийдиган курс бўйича репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий даражадаги тест топшириқларини тузинг.

3. Тест топшириқларининг мазмуни ва сифатига ДТМ томонидан қўйиладиган талабларни ўрганиб чиқинг.

4. Ўзингиз ўқийдиган курс бўйича тузган репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий даражадаги тест топшириқларини ДТМ томонидан қўйиладиган талабларга мослаштиринг.

5. Қуйида берилган ностандарт тест топшириқларини таҳлил қилинг ва уларнинг турлари, талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш жараёнидаги ўрнини аниқланг.

ТОПШИРИҚЛАР

- 1-Тингловчилар география фанидан 10та очик тестлар ишлаб чиқиш.
2. Тингловчилар география фанидан 10та очик тестлар ишлаб чиқиш.
3. Тингловчилар география фанидан ностандарт тестлар ишлаб чиқиш.
4. Му test дастуридан фойдаланиб тестлар ишлаб чиқинг.

Назорат саволлари:

1. Тест нима?
2. Тестлар қандай ҳолларда қўлланилади?
3. Тестлар ёрдамида талабаларни қандай билимлари назорат қилинади?
4. Настандарт тестлар деганда нимани тушинасиз?
5. Картографик тестлар қандай тузилади.
6. ГИС тест нима?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 1.Nicholas Clifford,Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography
2. 2.SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd,33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 80 p
3. Алимқўлов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Ҳолмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.
4. Абдуллаев И.Х. ва бошқ. Маъмурий география. – Т.: 2014.
5. Абдуллаев И.Х. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. ЎУМ, ТДПУ, 2014

V. КЕЙСЛАР ТЎПЛАМИ

Қуйида амалий машғулотларда қўллаш ўқитувчи томонидан муаммони аниқлаш ва ечимини топиш учун кичик кейслар тавсия этилади

1- Кейс. Хитой геосиёсий йўлининг моҳияти.

Бир неча юз йиллар мобайнида Хитойнинг геосиёсий қарашлари икки томонлама хусусиятга эга эди. Бундай ҳолат биринчидан, Хитой яъни «ўрталик қироличаси» нинг қадимги номи Римлендга қарашлилиги ва иккинчидан, Хитойнинг ҳеч қачон денгиз мамлакати бўлмаганлиги билан боғланган. Хитой XX асрнинг 70 йилларидан «Атлантик» геосиёсат олиб бора бошлади. Бундай ҳолат Хитой ислохатларининг «отаси» Ден Сиаопиннинг прагматик фалсафаси билан боғланди. Ана шундай геосиёсат Хитойга ғарбдан катта дивидентлар олишга имкон берди. Хитой ғарбдан пул, кредит ва технологиялар олиб, иқтисодиётини тез суръатлар билан ривожлантиришга эришди. Хитой ўзига хос ривожланиш хусусиятига эга.

Мазкур хусусиятлар қуйидагилардан иборат.

Диққат қилинг!



- А) Табиий ресурсларни чегараланганлиги,
- Б) Жуда катта инсон ресурсларига эгалиги.
- В) Иш кучларини ниҳоятда арзонлиги

Хитойнинг қишлоқ аҳолиси 800 миллион, шундан 700 миллиони қишлоқ хужалигида банд 100 миллиони эса ишсиз.

Шунинг учун ҳар йили 10 миллион аҳоли қишлоқлардан шаҳарга кўчиб келади.

Жаҳон банкининг маълумоти бўйича XXI асрнинг бошларида Хитойнинг импорти 650 млрд атрофида бўлади. Японияники эса 530 млрд доллар деб ҳисобланмоқда. Бу пайтда унинг ялпи ички маҳсулоти деярли 10 триллион долларни ташкил қилади. АҚШ ники эса 9,7 триллионни ташкил қилади. Бу Хитойни муҳим иқтисодий кутбга айлантиради. Ҳозирги пайтда Хитой геосиёсий майдоннинг ривожланиши ўқларини ва кучларини аниқлаб берадиган давлатлар қаторига кириб олди. Хитой дунёдаги аҳолиси энг кўп

мамлакатдир. Унинг аҳолиси ХХИ аср ўртасида 1,5 млрд кишига етиши мумкин. Хитойда инвестициялар ва иқтисодий ривожланиш давлат томонидан режа асосида бошқарилмоқда. Бу давлатнинг тез суръатлар билан ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири.

Эслаб қолинг!

Евросиёдаги энг катта ички бозорга эга эканлиги ва ҳарбий қудратнинг тез суръатлар билан ортиб боришидир.

Россия-Хитой муносабатлари кейинги ярим аср мобайнида кескин ўзгарди. ХХ асрнинг 50-йилларда «ука» бўлган Хитойликлар ҳозирги вақтда иқтисодий қудратига кўра «ака» га айланди. Барча йўналишлар доирасида Хитой ташаббусга эга.

Шундай қилиб, Хитой ХХI асрга келиб, дунё геосиёсатида катта таъсир кўрсата бошлади. Дивидент акциядорлик жамияти даромадининг бир қисми. У ҳар йили акциядорлар ўртасида тақсимланади. Кредит- қайтариб бериш шarti билан маълум муддатга ва маълум фоизга пул ёки товар ҳолатида берилган (қарз). Геостратегик нуқтаи-назардан Россия Евросиё билан бир мазмунга эга деб ҳисобланади. У эса ўз навбатида Хартленд тушунчаси (Махиндер, 1919). Бу ўқ минтақага Россияни ғарбда Шарқий ва Марказий Европа шарқда эса Тибет ва Мўғилистон киритилган ёки Махиндер фикри бўйича «Тарихнинг географик ўқи» билан бир мазмунга эгадир. Россия Евросиё ғарби билан Евросиё шарқини бирлаштиради ва ўзига хос маданияти билан ажралиб туради. Собиқ иттифоқнинг 1991 йилда парчаланиб кетишини бугунги кун нуқтаи-назаридан баҳолаш ниҳоятда мушкул. Чунки 1991 йилдан кейинги давр жуда қисқа вақтни ўз ичига олади. Парчаланишдан кейин Россия ҳудудида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ғарб бозорлари талабига жавоб бермас эди. Россиядаги иқтисодий ўзгаришлар асосини минерал ресурслар аввало нефть ва газ экспортдан олинаётган даромад қопламоқда. Собиқ Иттифоқ парчаланиши натижасида Россияга хос йўқотишлар қуйидагилардан иборат;

- Болтиқ ва Қора денгизга чиқиш ва портлар сони камайди,
- Каспий ва Қора денгизидаги шелфлар қисман йўқотилди,

- Россия асосан паст даражада ривожланган давлатлар билан чегараланмоқда.

- Россия шарқдаги ўзига хос демографик бўшлиқни хитойлик ва бошқа халқлар томонидан топлдирилмоқда.

- Чегаралари мустаҳкамланмаган.эди,2008 йилларга келиб етарлича мустаҳам бўлди.

Ундан ташқари **Россияда** аҳоли турмуш даражасидаги минтақавий фарқ (1:14 нисбатни ташкил этади) тобора катталашиб бормоқда. Унинг асосий сабаблари:

1) Иқтисодиётни хом ашёга йўнатирилганлиги,

2) Москвадаги молиявий марказлар, ёқилғи-энергетика комплекслари ва олигарх-ахборот тизимлари раҳбарларининг мамлакат иқтисодиётига таъсири,

3) Молия ресурсларини 95% Москва, Санкт-Петербург ва Екатеринбург каби шаҳарларда топланганлиги, .

4) Шимолий Кавказ Ресубликалари жуда ҳам кам молиявий ресурсларга эгаллиги.

Шундай қилиб, Россия янги ХХИ асрга жуда кўп позициялардан маҳрум бўлган ҳолда иқтисодий муаммолари мавжуд давлат сифатида кирди. Россиянинг эркин маблағлари йўқ у дунё миқёсида катта тадбирларни амалга оширишга қодир эмас, лекин Россия қудрати ҳарбий-саноат комплексига эга.

Аҳолининг турмуш даражаси аҳоли жон бошига тўғри келувчи ички маҳсулот, қоқоқ давлат-аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот 1000 АҚШ долларида камни ташкил этувчи давлат. Қашшоқ давлат-юқоридаги кўрсаткич 200 АҚШ долларида камини ташкил этувчи давлат.

2- Кейс. Россиянинг янги геосиёсий сифати.

Россия шаклланаётган вазият ва ҳар хил ҳолатларга боғлиқ ҳолда иккинчи даражали давлат сифатида ҳам, минтақа етакчиси сифатида ҳам, ядро салоҳияти улкан супер давлат сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин. Россия яқин яқинларгача озиқ-овқат маҳсулотларининг 30%дан ортиқроқ қисмини

импорт қилар эди. 2002 йилда 90 млн т дан егиштириб олинди. Бу дон импортини топхтатишга сабаб бўлди. Ҳарид нархларнинг пастлиги фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳонавайрон бўлишига олиб келди. Бундай ҳолатлар Россия ёки энергетика комплексида, балиқчиликда, ҳарбий саноат комплексида ҳам кузатилмоқда. Ана шундай вазиятда Россиянинг яқин келажакдаги геосиёсий мавқеи қандай бўлиши мумкин. Шу юналишдаги қатор саволлар ва муаммолар келиб чиқадики, уларга жавоб олиш, бугунги куннинг энг муҳим масалаларидандир.

Умуман ХХИ асрнинг сўнгги палласида шаклланиб келаётган янги иқтисодий тартиб барҳам топди. Ироқ уруши 1-2 давлат иттифоқи бутун жаҳон ҳамжамиятидан устун бўлиши мумкинлигини жаҳонда янги АҚШ даври, бир қутбли дунё даври бошланганлигини кўрсатмоқда. Бундай шароитда иқтисодий салоҳияти паст бўлган давлатлар унга тобе бўлади ёки бошқа ўзига ўхшаш давлатлар билан иттифоқлар тузиши мумкинлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Россия иқтисодиёти рус миллати менталитети каби ўзгаришларга аста-секин ён беради. Бу эса яқин ўртада яна 2 қутбли дунё барпо бўлиши мумкинлигини инкор қилади. Россия камида 10-15 йил ичида ўзининг ички муаммоларини ҳал қилиши лозим бўлади. Бу ҳолат унинг геосиёсий мавқеини белгилаб беради.

3 -Кейс. Ўзбекистонга маданияти яқин бўлган мамлакатлар дунё геосиёсий тизимида.

Эронда шоҳ режими кулатилганидан сўнг у йилдан-йилга ўзининг минтақавий геосиёсий мавқеини мустаҳкамлаб бормоқда. Эрон давлати Яқин ва Ўрта Шарқда, Ўрта Осиёда ва Россияда катта обрўга эга. Эрон ҳозирги вақтда Ғарб билан ҳам конструктив алоқалар ўрнатишга интилмоқда. 1997 йил декабр ойида Техрон шаҳрида Ислом конференцияси ташкилоти аъзоларининг 8-йиғилиши ўтказилди. Ундан кутилган асосий мақсад-Эрон билан Араб мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни яхшилашга эришилди. Эрон ХХИ асрнинг ўрталарида Жануби-ғарбий Осиё минтақасининг етакчи давлатига айланиши мумкин. ХХ асрнинг кейинги ўн йилликларида бўлиб ўтган

ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида Эроннинг Туркия ва АҚШ билан бўлган муносабатлари яхшиланди. Ироқ ва Исроил мамлакатлари билан бўлган алоқаси бир оз ёмонлашди. Туркия ва Исроилнинг Россия билан бўлган муносабатлари яна ҳам узоқлашди. Шу вақтнинг ўзиде Ироқ ва Эроннинг Россия билан бўлган алоқалари кучайди. Ўзбекистон Эрон муносабатлари иккала томонга ҳам манфаат келтирувчи йўналишда ўзаро дўстлик, ҳамкорлик руҳида ривожланмоқда. Ўзбекистон Туркия муносабатлари ҳам ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик асосида ривожланмоқда. Туркия Ўрта Осиёдаги барча давлатлар билан иқтисодий соҳада ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирмоқда. Жануби-ғарбий Осиё-минтақаси таркибига Туркия ва Исроилдан ташқари Араб мамлакатлари: Сурия, Ливан, Иордания, Ироқ, Қувайт, Саудия Арабистон, Баҳрейн, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Оман, Яман киради.

Келажак геосиёсий вазиятига бир нигоҳ

Ўзбекистон танлаган йўл келажакда ўзининг самарасини бериши ҳеч кимда шубҳа туғдириши мумкин эмас. Ўзбекистон қабул қилган йўл-рўшноликка олиб чикувчи ягона йўлдир.

Эътибор беринг!

АҚШ мамлакатаида иқтисодиётнинг асосини хизмат кўрсатиш соҳалари бенглилайди, масалан 2008 йилда саноат улуши 27%, қишлоқ хўжалиши 17% хизматлар 66 % ташўкил этган. Бугунги кунда ушбу кўрсаткичларни интернет тармоқлари орқали ўқувчиларга аниқлаш учун вазифа сифатида берилиши лозим. Бундай вазиятда Ўзбекистоннинг иқтисодиётини солиштириб кўриш ва асосий муаммо бошқа йўл ва сиёсатга эга бўлган давлатлар ўртасида ўзини қандай тутишига боғлиқдир. Бу муаммолар ечими тўғрисидаги саволга Президент И.А.Каримов асарларида аниқ жавоб берилган.

Диққат қилинг!

Марказий Осиёда сиёсий географик жихатдан марказий ўринда турган Ўзбекистон кучлар тенглиги ва мувозанатини таъминлаш имкониятларига эга.

Ўзбекистон худуди ўзининг мавжуд ва потенциал табиий ва хом ашё захиралари билан ҳозирдаёқ жаҳоннинг сиёсий ва иқтисодий картасида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Минтақада ижтимоий-иқтисодий куч-қурдатга эга бўлган Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида боғловчи вазифасини ўтайди. Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилиш орқали бутун Марказий Осиё минтақасида манфаатли муносабатлар ўрнатиш имконияти очилади. Бозор муносабатлари йўлидан бораётган ҳар қандай давлат ҳар томонлама шартномалар тузиши ва амалга ошириши лозим.

Кейлар бўйича бир нечта намунани чет эл адабиётларидан ҳам олиб қийслаш имкониятига эгамиз. Улардан айримлари билан сизларни таништириб ўтамиз ва шундан сўнг кейслар билан ишлаш технологиясини берамиз.

Кейс стади 3.1. (масалан, Тинч океанидаги ороллардаги аҳоли ва тадқиқотлар олиб борилишида, ўзаро ишонч ва талаблар). Тадқиқотчи Боб Кейт АҚШ даги сув тошқинлари ҳақида гапириб маҳаллий аҳолида кўркув пайдо қилган, бундай ҳолатлар эса изланишларга халал қилади. Бу борада Кейт нима қилиши лозим эди?

Учинчидан, изланишларда университетлар ўзларини ҳимоя қилиши учун этик нормаларга катта эътибор қаратишлари лозим, буни эса ўзига хос жиҳатлари бўлиши керак(Oakes, 2002).

Этик муаммолар ва этик принциплар

Этик нормалар барча изланишларда бажарилишиги назорат қилиш учун дунёда кўплаб комитетлар ташкил этилган (Израиль ва Хэй, 2006). Ушбу комитетлар ва уларнинг ишлари сиз бажаришингиз керак бўлган изланишлар этикасини олиб боришда катта ёрдам бериши мумкин. Умуман олганда ушбу комитетларнинг қиймати – уларнинг тадқиқотларни баҳолашдаги ҳаққойниликдир. Улар учта асосий қоидага таянади (қуйида 3.1 бўлимда қайд этилган). Улар эса сиз бажараётган изланишларингизни этик амалиётига ердан беради. Бу билан сиз ишнинг зарурати, керак эканлиги ва тўғри йўлда эканлигини кўрсатади.

3.1. Этик нормалар

Қонунчилик: қийнчилик ва фойдани аниқлашга қаратилган (ишни яхши бажариб, зиён келтирмаслик). Бажарилаётган ишлар максимал даражада фойда келтириши ва минимал даражада экологик, иқтисодий ва табиий зарар келтириши лозим. Бу ўринда инсонларнинг интеллектуал ҳуқуқлари ҳам бузилмаслиги керак. Бу борада эътиқодий, диний ва бошқв урф-одаларга қаратилган масалалар ҳам бузилмаслиги керак. Бундан ташқари инсонларнинг саломатлиги ва табиатни муҳофаза ишлари ҳам ҳисобга олиниши керак.

Фақат шуни қилиш керакми?	Мен зарар келтирдимми?	Мен яхши иш қилдимми?	Мен ҳурматни бажо қилдимми?

Умумий қоидалар яхши тузилган ва агарда сиз уларга изланишларда риоя қилсангиз умумий этик нормаларни бажара оласиз.

Кўп ҳолларда этика комитетлари асосий бешта муаммога эътибор беришади. Улар 3.2. кейсида берилган. Уларни қўллашда турли ҳолатлар бўлиши мумкин. Барчасини бажариш географик изланишларда жуда қийин ва бунда изланишлар методларини танлашда муаммолар бўлади (Баумане, 1993; Валентайн и др., 2001). Умумий саволлардан махсус қоидалар ҳам келиб чиқиши мумкин. Муаммоларни кўриб чиқишда ҳуқуқий нормалар ва бошқаларга бўлган ҳурмат ҳисобга олиниши керак. Аҳоли билан ишлаётган географлар этик нормаларга катта эътибор қаратиши, изланишларда муҳлатни ўрни ва иқтисодий муаммоларга, табиий географ эса табиий муҳитдаги ўзгаришларга, табиат унсурларига камроқ зарар етишига қаратиши керак.

Кейс стади 3.2. Масалан, университет студенти Али бин Аҳмед бин Салех Аль-Фулани икки гурх ўрта мактаб ўқувчилари учун анкета сўровномасини тайёрлайди. Қўнунга мувифиқ Али ота – оналардан ушбу сўров ўтказиў учун рухсат сўрайди. Бу эса универстетнинг этика бўйича комитетдан ҳам рухсат талаб қилади. Бундан ташқари ҳар бир ўқувчи ўз хохши билан саволарга жавоб бериши еки бермаслигини ғам ихтиерига қаратилади. Сўров

ўтказишдан бир неча хафта аввал анкетага фикр билдириш учун ҳам жой қолдиришини муҳокамадан ўтказди. Бу эса ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчиларини хоҳши бўйича ўтказилади. Сўров ўтказилангдан кейин Али ҳеч нарсаи ўзгартира олмаслиги ва уни яна ўтказиш имконияти йўқлигини билади ва олиган натижалар билан университетга қайтади . Олинган маълумотлар ва уларнинг тезлиги 97 % ташкил этади Бу жуда катта кўрсаткич. Лекин уни қайтаришда Алида бошқа имконият йўқ.

Муҳокама учун. Бу ҳолат фақат ўқувчиларда эркинлик бўлмаганлигидан далолатдир. Али томонидан ҳеч қандай таъзиқ ўтказилмаганми? Эркинлик тўлиқ таъминланганми? Балки Али томонидан қандайдир куч еки бошқа усуллар қўлланилмаганми? ¹¹

Кейслар билан ишлаш бўйича амалий намуна

“Инсоннинг табиатга таъсири турлари” мавзуси бўйича кейс-стади технологияси

Педагогик амалиёт даврида касб-хунар коллежларида Амалий география фанини ўқитишда кейс-стади технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу технологияни амалда самарадорлигини аниқлаш мақсадида Амалий география курсининг асосий бўлимларини имкон борича кейс - стади технологияси (методи) асосида лойихалаштирилди, натижалар умумлаштирилди ва хулосалар қилинди.

Маъруза ва амалий машғулотларни кейс стади технологияси асосида лойихалаштиришга ва география ўқитиш жараёнида кейс - стади элементларидан фойдаланиш. Машғулотларда муамоли ва амалий вазиятларни юзага келтириш ҳамда уларни ҳал қилишга ўқувчиларни йўналтириш орқали кейс-стади дан фойдаланишни маълум даражада йўлга қўйиш. Кейс-стади қўллашдаги қатор қийинчиликлар Булар:

¹¹ Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010. no. 64p

- ҳар бир машғулоти бошладан олдин кейс-стади тузиш яъни муаммоли амалий вазиятни ҳосил қилишда;

- ўқувчиларни кейс -стадини ҳал қилишга бағишланган баҳс мунозарада тўлақонли иштирокини таъминлашда;

- ўқувчиларнинг ҳар бир амалий муаммо бўйича ўз фикр мулохазаларини мустақил ва эркин баён қилаолишларида намоён бўлди.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики ўқувчиларни кейс-стади асосида ишлашга мунтазам ва узлуксиз равишда йўналтириб, шакллантириб бориш зарур экан, бу нафақат география фани ўқитувчиларини балки, барча предмет ўқитувчиларини ҳамкорликда ўзаро боғлиқликда фаолият юритишларини тақазо қилар экан.

Қуйида “Инсоннинг табиатга таъсири турлари” мавзусида таёйрланган кейс-стадини келтирамиз.

1. Мавзунинг педагогик аннотацияси

Ўқув предмети: Амалий география.

Мавзу: Табиат ва жамият

Кейснинг асосий мақсади: Инсоннинг табиатга таъсири турлари: бевосита ва билвосита таъсир, табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш, барқарорлаштириш, сақлаш ва бойитиш ҳар бир кишининг бурчи эканлиги тўғрисида тушунча бериш.

Ўқув фаолиятидан кутиладиган натижалар:

- Инсоннинг табиатга таъсири турлари: бевосита ва билвосита таъсир оқибатларини тушунтириб бериш;

- Табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш мезонларини аниқлаш;

- Мавзунинг ўрганиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ва уларни ечишда назарий билимларини қўллаш;

- муаммони аниқлаш ва ечишда оптимал методларни танлаш.

Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан талабалар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлмоқлари зарур:

Ўқувчи билиши керак: Бевосита ва билвосита таъсир, табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш, барқарорлаштириш. Сақлаш ва бойитиш, табиатни эъзозлаш ва муҳофаза қилиш ҳар бир кишининг бурчи эканлиги.

Ўқувчи амалга ошириши керак: мавзунини мустақил ўрганади; муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради; тушунчаларни аниқлаш ва тизимга солиш, тегишли адабиётлар орқали олган билимларидан мантиқий хулоса чиқариш, таҳлил қилиш ва зарур билимларни ўзлаштириш;

Ўқувчи эга бўлмоғи керак: коммуникатив кўникмаларга; тақдирот кўникмаларига; ҳамкорликдаги ишлар кўникмаларига; муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиш кўникмаларига.

2. Манбалардан фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

Асосий адабиётлар ва ўқув қўлланмалар:

1. Алимқўлов Н.Р., Абдуллаев И.Ҳ., Ҳолмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.
2. Абдуллаев И.Ҳ. ва бошқ. Маъмурий география. – Т.: 2014.
3. Абдуллаев И.Х. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. ЎУМ, ТДПУ, 2014
3. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. Т., Ўқитувчи.Т., 1997.
4. Ғуломов П.Н. География ва табиатдан фойдаланиш. Т., Ўқитувчи. Т., 1985.
5. Ғуломов П.Н. Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишнинг географик асослари. Т., Университет. 1990.

4. Технологик хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда кейснинг тавсифномаси:

Мазкур кейснинг асосий манбаи намунавий дастурдаги асосий адабиётларни таҳлил қилиш асосида баён этилган. Кейснинг асосий объекти шахсга йўналтирилгандир. Бу ташкилий институционал кейс бўлиб, маълумотлар вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача, тизимлаштирилган бўлиб, тренингга мўлжалланган ўқув мавзу бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари

1. География таълимидаги муаммолар ва замонавий педагогик технологиялар.

2. Табиий география фанлар тизимида педагогик технологиялар.

3. Иқтисодий география фанлар тизимида педагогик технологиялар.

4. Ижтимоий география фанлар тизимида педагогик технологиялар.

5. Географик қобикдаги ўзгаришлар ва география таълими.

6. Антропоген ландшафтлар ва уларнинг “Амалий география”даги талқини.

7. Ўзгарувчан иқлим шароити ва унинг география таълимидаги жиҳатлари.

8. Биология ва география фанларидаги таълимий боғланишлар.

9. Иқтисодий географик категориялар ва уларнинг география таълимидаги ўрни.

10. География таълимида демография ва геоэкология масалалари.

11. Замонавий география таълимида терминология ва номланиш масалалари.

12. Этногеография ва географик фанлар тизимидаги ўрни.

13. Замонавий картография ва унда педагогик технологиялар қўллаш масалалари.

14. ГИС технологиялари ва уларнинг географик таълимидаги ўрни.
15. География, экология ва замонавий таълим муаммолари.
16. Замонавий география таълимида глобалистика муаммолари.
17. Замонавий география таълимнинг дидактик масалалари.
18. Замонавий педагогик технологиялар ва уларни география таълимида қўллаш масалалари.
19. География таълимидаги машғулот турлари ва уларда педагогик технологиялар.
20. Географи таълими ва тарбиясида географик маданиятни шакллантириш масалалари.
21. Замонавий география таълимида халқаро тажриба ва уларни қўллаш.
22. География таълимида тарихий ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари.
23. География таълимида ўқув фанларининг интеграциялашув масалалари ва ўзига хос хусусиятлари.
24. География таълимида “Кейс-стади” педагогик технологияси ва уни қўллаш масалалари.
25. География таълимида “лойихалаш” методини қўллаш масалалари.
26. География таълимида хусусий даражадаги инновацион технологиялардан фойдаланиш.
27. Замонавий география таълимида мустақил ишларнинг турлари, ўрни ва аҳамияти.
28. География таълимида педагогик янгиликлар ва уларни амалда қўллаш масалалари.
29. Замонавий география таълими мазмуни ва ўқув жараёнини ташкил этиш масалалари.
30. Замонавий география таълими ва ахборот технологиялари.

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Аграр ислохат	Қишлоқ хўжалигида давлат томонидан амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар	Agricultural policy - the socio-economic transformation in the agricultural sector by the State.
Азимут	Кузатув нуқтасида меридиан ва вертикал юза ўртасидаги бурчак	Azimuth - angle between the plane of the meridian observation point and vertical plochkostyu passing through this point and the observed object
Айсберг	Музликдан синиб тушган сузувчи йирик муз парчаси	Iceberg - floating block of ice broke away from the glacier
Аккумуляция	Ер юзаси ёки денгиз тубида тоғ жинслари оқизиқларининг тўпланиши	Accumulation - accumulation, deposition of sediments or rocks on the Earth's surface or on the bottom of the sea
Анклав	Давлат ёки унинг бир қисмининг бошқа давлат ҳудуди билан ўраб олинганлиги	Enclave - a country or a part thereof, with all sides surrounded by the territory of another State
Артезиан бассейни	Сув ўтказмайдиган қатламлар орасида йиғилган, босимга эга бўлган ер ости сувлари	Artesian Basin - pressure underground water concluded between waterproof layers
Атмосфера	Сайёрамизнинг ҳаво қобиғи	Atmosphere - air ground shell
Атом электростанцияси	Атом энергиясини электр энергияга айлантирадиган станция	Nuclear power station - power which nuclear energy is converted into electrical energy

<p>Табиий ресурс</p>	<p>Табиатда мавжуд бўлган турли кўринишдаги ресурслар бўлиб, улар мамлакатлар иқтисодиётини шакллантириш ва кишилик жамияти ривожини учун муҳим аҳамиятга эга</p>	<p>Natural resources - components and properties of nature necessary for a person to obtain material and other benefits. Natural resources are natural (natural) origin</p>
<p>Ресурслар билан таъминланиш</p>	<p>Табиий ресурслар миқдори ва улардан фойдаланиш миқдори орасидаги тафовут. Маълум турдаги ресурсларнинг неча йилга етиш ҳолати ҳамда аҳоли жон бошига миқдори асосида аниқланади</p>	<p>Resource supply index - the ratio between the amount of diluted stock of resources</p>
<p>Саноат</p>	<p>Иқтисодиётнинг жамият ишлаб чиқарувчи кучлари тараққиёти даражасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган етакчи тармоғи</p>	<p>Industry - the largest and most technically advanced material manufacturing industry. creating tools and other means of production, as well as most of the commodities</p>
<p>Ундирувчи саноат</p>	<p>Минерал ресурсларни излаш ва қазиб олиш билан шуғулланувчи тармоқлар мажмуи бўлиб, шу билан бирга мажмуа таркибига уларни бирламчи қайта ишлаш ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш</p>	<p>Extractive industry - complex industries engaged in extraction and enrichment of minerals at oil and gas enterprises, mines, quarries, mines, mining enterprises and other similar companies.</p>

	тармоқлари ҳам киради.	
Қишлоқ хўжалиги	Моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, биологик ресурслардан фойдаланган ҳолда маҳсулот яратади	Agriculture - a branch of material production using biological processes for the creation of plant and animal products.
Интенсив йўл	Маълум ер майдонига катта миқдордаги маблағ йўналтирилиши асосида қўшимча техник воситалар жалб этиш, ер таркибини яхшилаш мақсадида меллиоратив ва ирригацион тадбирлар ўтказиш	Intensive way - the application of new technologies in the cultivation of the land and the development of new, more productive varieties.
Транспорт	иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлиб, халқ хўжалиги ва аҳолининг юкларга эҳтиёжларини ўз вақтида муттасил таъминлаб туради.	Transport - one of the main sectors of the economy. Is engaged in the movement of people, goods (products), information, energy from place to place, from one region (country) to another region (country).
Сиёсий карта	давлатларнинг жойлашган ўрни, чегаралари ва пойтахтларини кўрсатиб берувчи карта	The political map of the world - a geographical map showing the countries of the world, their form of government and polity.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Nicholas Clifford, Shaun French and Gill Valentine. Key Methods in Geography SAGE Publications Asia-Pacific Pte Ltd, 33 Pekin Street #02-, Far East Squar, Singapore, 2010.
2. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
3. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
4. Reed Wicander, James S. Monroe. Geology. Brooks/Cole. Belmont. 2009.
5. Krasilnikov P., Carre F., Montanarella L. Soil geography and geostatistics. Luxembourg, OFOPEC, 2008.
6. John J., Renton Ph..D. The Nature of Earth: An Intoduction to Geology. The Teaching Company, 2006.
7. Royal Beglee. World Rejional Geography: People, Places and Globalization. Morehead State University, 2012.
8. Alan Strahler. Introducing Phisical Geografhy. Boston University, 2011.
9. Menno Jan Kraak, Ferjan Ormeling. Cartography: Visualization of Spasial Data. Pearson Education. London, 2010.
10. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
11. 2..Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
12. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
13. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.

14. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтаўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.
15. Алимқўлов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Ҳолмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.
16. Абдуллаев И.Х. ва бошқ. Маъмурий география. – Т.: 2014.
17. Абдуллаев И.Х. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. ЎУМ, ТДПУ, 2014.
18. Абдуллаев И.Х. Биогеография асослари. Маърузалар матни. ТДПУ, 2012.
19. Зокиров Ш.С, Тошев Ҳ. Ландшафтшунослик. – Т.: 2013
20. Исломов И. Марказий Осиё иқтисодий ва ижтимоий географияси. Силабус. ТДПУ, 2014.
21. Нигматов А. Экологиянинг назарий асослари. – Т.: 2013
22. Низомов А., Алимқўлов Н.Р., Тилляҳоджаева З. Табиий географик жараёнлар. – Т.: 2015.
23. Назаров И.К. Географиянинг асосий муаммолари.“Мухаррир”, -Т.: 2013.
24. Рафиқов А.А.,Ҳожиматов А.Н., Алимқўлов Н.Р., Ҳолмуродов Ш.А. Геоэкология асослари. – Т.: 2015.
25. Солиев А. Ўзбекистон географияси. – Т.: 2014.
26. Солиев А. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт. – Т.: 2013.
27. Султонова Н. Географияни ўқитишда инновацион технологиялар.ТДПУ, – Т.: 2015.

Интернет ресурслари

1. www.uzstat/uz
2. www.tdpu/uz
3. www.politika/ru
4. www.ziyonet.uz
5. www.nuu.uz
6. www.connect.uz
7. www.gov.uz
8. www.priroda.ru